

Ў л м а с   У м а р б е к о в

Фотима  
ва Зухра

ЎЛМАС УМАРБЕКОВ

ФОТИМА  
ВА  
ЗУҲРА

*романи*

Ғолшкент  
«Янги аср авлоди»  
2005

Ўзбекистон халқ ётувчиси Ўлмас Умарбековнинг «Фотима ва Зуҳра» романи илгари ҳам бир неча бор нашр этилган ва китобхон-лар орасида қўлма-қўла бўлиб кетган китоблар сирасига киради.

Сиргуниш ва детектив услубида яратилган бу роман асоси-да спектакл сахналаштирилган, бадиий фильм суратга олинган.

Эгулик ва қибоҳит, муҳаббат ва нафрат, ҳақгўйлик ва адо-латсизлик, ор-номус ва нопоклик сингари масалаларга бағиш-ланган ушбу роман билан янги учрашув китобхонларга янгича тавқ бағишлайди, деган умиддамиз.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази «Фотима ва Зуҳра» бадиий фильм ижодкорлари – постановкачи режиссёр Б.Ёқубовга, сценарий муаллифи У.Зуфаровга, продюсер А.Тожиевга фильмдан танлаб олинган суратларни лутфан тақдим этганликлари учун чуқур миннатдорчилигини изҳор этади.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон халқ шоири

ISBN № 5-633-01789-7

© Ўлмас Умарбеков. «Фотима ва Зуҳра».  
«Янги аср авлоди», 2005 йил

## I

Милиция майори Қодиржон Алиев кечки соат бешларда уйга қайтди. Дарвоза қўнғироғини чалган эди, ичкаридан хотинининг «ҳозир» деган овози келди. Сўнг кўп ўтмай ковшини шапиллатиб ўзи эшик томон кела бошлади.

Алиев шофёрига бир соатга жавоб бергач, машина жиларжилмай шарақлаб дарвоза эшиги очилди.

Алиев кўпдан бери уйга бунақа барвақт келмаган эди. Шу боис, хотини уни кўриб ажабланди.

— Нечук? — деб қўйиб, уст-боши чангга беланган эрига йўл берди. У суюнишини ҳам, хавотирланишини ҳам билмасди.

Алиев даҳлизнинг зинасига етганда тўхтаб, орқасига ўтирилди.

— Иссиқ сувинг борми? Ювиниб олардим, — деди у.

— Ўтираверинг, бор.

«Ювиниб олардим!..» Эрининг бу гапидан Санобар ҳар доимги ҳолига тушди. Яна бирров келган. Ҳар гал шу: ювинадию кетади. Лекин у ҳозир жиндек хурсанд эди. Икки йилдан бери биринчи марта эрини кундуз куни кўриб турибди. Хаёлидан ҳам меҳрибонлик, ҳам шўхлик аралаш бир фикр ўтди. Шошиб эри ортидан ётоқхонага кирди. Алиев ечиниб бўлиб, оёқ-яланг ваннахонага кириб кетаётганда:

— Қаерда мунча чанг бўла қолдингиз? Орқангизни ишқалаб қўяйми? — деди-да, ваннахона эшигини ушлади. Алиев унинг қўлини олиб, раъйини қайтарди:

— Ўзим... шошиб турибман.

Санобар орқасига қайтди. Эрининг ишидан кўнгли хира тортиди. Турмуш қуришганига йигирма йил бўлибдики, эрининг ишни ўйламаган пайтини кўргани йўқ. Одам ҳамма нарсага кўни-

бир экан. Санобар ичида кўп марта ранжиса ҳам, ҳеч маҳал тридан порцелик кайфиятига тушгани йўқ. Қизини, ўғлини ҳам шунага ургатади. Шунинг учун улар ҳеч маҳал унинг вақтини оладиган саволлар ёки иш билан мурожаат қилишмас, ҳамма ишларини оналари билан бамаслаҳат ҳал қилишарди.

Тошкентлик аёлларнинг деярли ҳаммаси шошилиш пайтда қиладиган битта овқати бор. Бу овқат одатда бир одам учун, нари борса икки одам учун қилинади. Иккинчи одам – овқат қилган аёлнинг ўзи. Бу – нон қовурдоқ. Икки қошиқ ёғ, бириккита тухум, шу тухумдек битта пиёз, озгина қийма бўлса, кўз очиб юмгунча нон қовурдоқ тайёр.

Санобар кечаги қолган овқатни эрига иситиб бергиси келмади. Шунинг учун узоқ ўйлаб ўтирмасдан нон қовурдоққа унади. Эри ювиниб чиққунча, ошхона ва даҳлизни ёқимли овқат ҳиди тутиб кетди.

Алиев ювиниб, анча енгил тортган бўлса ҳам, дили ғаш эди. Хотини дарров буни пайқади. Ваннахонага киритмаганидан ҳам сезган эди.

— Тинчликми ишқилиб? – сўради бир коса қовурдоқни унинг олдига қўйиб.

— Тинчлик... — тўнг оҳангда жавоб қилди Алиев, кейин косани олдига суриб, овқат ея бошлади. — Қачон улгурдинг? Зўр бўпти!

— Ош бўлсин, олинг!

Санобар чой қўйиб узатиб, қайтариб сўради:

— Тинчликми?

Алиев овқатдан анчагача бош кўтармади.

— Тинчлик, дедим-ку. Ўзинг билган иш-да. Кимдир ишлаши керак. Министр шундай дейди. Мен ҳам шу фикрдаман. Пенсиягача шу аҳвол давом этаверади. Болалар қалай?

— Иккалови ҳам ўқишда. Дадамларни қачон кўрамиз, дейди иккалови. Қизингизга совчилар келяпти.

— Йўқ, — шартта кесди Алиев. — Ўқишни битирсин.

— Ўзи ҳам шундай деяпти.

— Райҳон ақлли қиз, — деди ички бир ғурур билан Алиев ва овқатга фотиҳа қилиб, ўрнидан тура бошлади.

— Қачон келасиз?

— Кутма. Калитни олиб кетаман.

Алиев ичкари уйга кириб, деразадан кўчага қаради. Уни оқ «Волга»си ҳали келмаган, аммо муюлишининг бошида жигарранг «Жигули» турарди. Алиев танимади. Унинг маҳалласида

бундай рангли машина йўқ эди шекилли. Бенхтиёр номерига қаради. ТНЖ-62-12. Шаҳар номери. Машина ичида ўтирган икки одам унинг қараётганини пайқашди шекилли, биттаси машинадан тушиб, капотни очди ва ичига эгилди. Кимлар экан?

— Санобар, эшикларни қулфлаб юринглар. «Секретка» иш-  
лаяптими?

— Ишлаяпти, — жавоб қилди хотини бамалайхотир, — Мен доим уйдаман-ку?!

— Барибир қулфлаб юр.

Алиев ҳовлига тушганда, машинасининг овозини эшитди.

— Хўп, мен кетдим, — деди у хотинига. — Хавотир олманг-  
лар. Кеч қайтаман.

Санобар индамади.

Алиев машинасига ўтириши билан бугунги аҳмоқона кун-  
нинг ташвишлари яна елкасидан зилдек босиб, оиласию уйию бола-чақасини эсдан чиқариб, хаёлан яна вертолётга минди.

Икки йилдан бери у вилоят ерларини вертолёт ёки икки қанот-  
ли секинучар самолётда биринчи марта айланаётгани йўқ эди. Ҳавога чиқарган мақсад, ташвиш, чиройли манзаралардан ҳам устун келиб, бош оғрийдиган, кўз тинадиган даражада одамни чарчатар эди.

Кеча эрталаб вазир ўринбосари, бўлим ходимлари ҳамда вилоят бошқармаси бошлиғини чақириб мажлис ўтказди. Унга тушган маълумотларга қараганда, Йўғонтепа, Тангатопди, Найманча қишлоқларининг қурама тоғларига туташ ерларида ҳисобга олинмаган кўкнори майдонлари бор эмиш. Кўкнори ҳозир етиладиган пайт. Уч-тўрт кун ичида ўриб олишлари, ерни яна теп-текис қилиб қўйишлари мумкин. Қурамага туташ ўндан зиёд кичик-кичик қишлоқлар «Шифокор» колхозига қарайди. Тошкентдаги дори-дармонлар заводи билан йигирма-йигирма беш йиллардан бери шартнома асосида доривор ўтлар етиштириб келаётган бу колхознинг ҳар қарич ери ҳисоб-китобли, у экадиган кўкнорининг ҳар тупи барча колхозчиларнинг, ҳатто милициянинг кўз остида эди. Бунинг устига, вазир ўринбосарининг гапига қараганда, шу ҳисобда йўқ кўкнори майдонларини «Шифокор»нинг райси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республика Олий Советининг аъзоси Тешабой ака Султонов топиб, хабар қилибди. Демак, колхознинг, колхоз аъзоларининг бу экинларга алоқалари йўқ. Вазир ўринбосари дарҳол шу майдонларни

аниқлаш, кимларга тегишли эканини билиш, кўкнорини эса ўлдириб, фарм заводга топшириш лозимлигини айтди. Асосий вазифа Алиевнинг одамларига юкланди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас, Алиев бошлиқ беш киши вертолётда ҳавога кўтарилишди. Вазирликдан колхоз идорасига телефон қилиб, раисни топишни ва ўроқчилар билан вертолёт етиб боргунча, Тангатопдидаги майдонга бориб туриши лозимлигини айтишни вазир ўринбосари ўз зиммасига олди.

«Бир соатда қандай етиб боради?» — демоқчи бўлди Алиев, лекин айтмади. Кўкнори бир соат олдин ўриб олинадими, бир соат кейинми, бунинг ҳозир ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Энг муҳим нарса – ким эккан, кимга тегишли бу ерлар? Мана шу саволга жавоб топиш улар учун муҳим эди.

Аэродромга кетиш олдидан Алиев илгари қўлга тушган барча кўкнорифурушларнинг рўйхати ва ишларини топиб қўйишни бўлим котибига топширди. Ҳар эҳтимолга қарши, республикадаги иккала дори-дармонлар заводи йилига қанча кўкнори ишлатишини, кимлардан сотиб олишини яна бир бор аниқлашни ҳам айтди. Ким билади, балки «Шифокор»дан ҳам бўлак кўкнори етказиб берадиганлар бордир?

Кўп ўтмай Дуркент кўринди. Кўм-кўк дарахтлар, узумзорлар орасида катта-кичик, кўк, қизил томлар пайдо бўлди. Дераза ойналари, оқ тунука томлар офтобда ярақлаб кўзни қамаштира бошлади. Чорак соатдан сўнг вертолёт Тангатопдининг устида бўлади. Хўп ғалати ном қўйишганми?!

Тангатопди... Ким қўйган экан? Нима сабабдан? Иштонтушдини-чи?.. Сабабини Алиев билмас эди. Битта у эмас, ҳатто қишлоқларда яшаётганлар ҳам билишмайди. Биладиган кексалар оламдан ўтиб кетишди. Қишлоқларнинг бирига Свердлов, иккинчисига Будёний номлари қўйилди-ю, лекин сингишиб кетмади. Халқ ўз қишлоқларини ота-боболари қўйган номлар билан атайверди: Иштонтушди, Йўғонтепа, Тангатопди...

Алиев бу жойларни яхши биларди. Шунинг учун вазир ўринбосари айтган қишлоқларни қидириб юришга мутлақо ҳожат йўқ эди.

Рациядан вертолётчининг овози келди:

— Квадрат 46-35!

Алиев бсихтиёр иллюминаторга пешонасини тақаб, пастга қаради. Теп-текис ердан бўлак ҳеч вақо кўринмади.

—Адашмадикми? — рация тугмасини босиб, сўради вертолётчидан.

—Йўқ, ўртоқ майор! 46-35 дамиз. Бир айланиб чиқайми?

—Майли. Қани, кўрайлик-чи!

Вертолёт чап томонга эгилиб, бироз пастлаган бўлди-да, яна юқорига кўтарилди. Алиев, бўлим ходимлари, вилоят бошқармаси бошлиғи Сиддиқов иллюминатордан кўзларини узишмасди.

—Ўртоқ майор, биз белгиланган жойдамиз. Тангатопдидан тепада. Мен бу жойларни биламан.

Алиев майор Сиддиқовнинг йўгон овозини эшитса ҳам эътибор бермади. Тўғри учиб келишганини, вертолёт белгиланган квадрат устида эканини у ҳам яхши билган эди. Аммо, нега экин майдони кўринмайди? Қани вазир ўринбосари айтган чоракам бир гектар кўкнори?

—Нима қиламиз? Қўнализми?

Алиев розилик берди.

Уч минут орасида вертолёт тоғ этагига туташ майдончага қўнди. Кўкнори экилган майдон шу ер бўлиши керак. Аммо бир туп ҳам кўкнори йўқ эди. Ҳамма вертолётдан тушганда, буни ўз кўзи билан кўрди. Ер ҳайдалган ва устидан текислаб қўйилган эди.

—Ассалому алайкум!

Хаёлчан турган Алиевга гавдали бир одам қўл узатди. У бошини кўтариб «Шифокор» колхозининг раиси Тешабой ака Султоновни кўрди.

—Саломалайкум, Тешабой ака, — Алиев унинг қўлини олди, — Қачон келдингиз?

—Жалолов телефон қилишлари билан йўлга чиққанман! Ҳализамон ўроқчилар ҳам келиб қолади.

Алиев кулиб юборди.

—Улар нимани ўради?

Раис ҳайрон бўлиб Алиевга қаради-да, беихтиёр унга қўшилиб кулди.

—Қайдам? Ўроқчи, деганларига, тез етиб боринглар деб ўзим келавергандим...

—Кўкнори у ёқда турсин, уруғи ҳам қолмабди-ку бу ерда?!

Алиев раисга тикилиб қаради. Раис ҳеч нарсага тушунмагандек, ерга чўккалади. Бир сиқим тупроқни кафтига олиб эзғилади-да, йўгон, япалоқ бурнига тутиб ҳидлади.

— Баччагарлар, ўриб кетишибди!.. — деди у ва кичкина қийиқ кўларини қисиб, атрофга қаради. — Қандай ўришганин? Бу ерга комбайн чиқмайди. . .

— Бир кечада қандай ўриб олишганини сиз, деҳқон одам билмасангиз, биз билолмаймиз.

Алиев шундай деб, унинг ёнига чўккалади.

— Ақл бовар қилмайди! — бошини сарак-сарак қилиб гапирди раис. — Унча-мунча деҳқон бир кунда ўриб кетолмайди. Ўрса ҳам, чопиб, текислаб кетолмайди. Комбайн бу ерни камида тўрт соат ўради. Лекин уни бу ёққа олиб келиш, кейин олиб кетиш бор. Биз УАЗда келган йўлдан комбайн зўрға чиқади. Демак, бир кунда неча комбайн бўлмасин, бу ерга чиқолмайди, ўролмайди. Тагин ким билади дейсиз?.. Булардан ҳар нарсани кутиш мумкин.

— Уларни биласизми? — беихтиёр сўради Алиев.

— Қаёқда! — раис ижирғаниб, қўлини силтади. — Колхоз ҳисобидаги қишлоқларда жами етти ярим минг одам яшайди. Уларнинг қайси бири кўкнорифурушлик қилади — ким билади дейсиз? Ҳафтада баъзилар уч кун ишлайди, уч кун бўш. Бўш кунлари нима қилади — ким пойлаб юрибди? Балки ҳар куни мен билан саломлашиб юрадиган идора ходимларидир? Қодиржон, ука, буни яхшилаб текшириш керак. Қолаверса, бу иш мен учун зарур. Колхознинг кўкнорисидан буларники яхши, бўлиқ. Ўзим кўрганман.

Алиев раиснинг хуноб бўлиб гапирган гапларига фикран қўшилди. Улар ниҳоятда усталик билан ўз савдоларини қилишар эди. Икки йилдан бери йигирмага яқин одам қўлга тушган бўлса, ҳаммаси ё истеъмолчи, ё олибсотар. Етиштириб сотадиган одамлардан биронтаси қўлга тушгани йўқ. Гуё кўкнори, бу халқ учун зарур, қимматбаҳо ва айни пайтда вабо бўлган ўсимлик ўзидан-ўзи униб етилгандек ҳамда бир зумда ўзидан-ўзи ғойиб бўлгандек эди. Алиевнинг бўлимини, унинг ўзини ҳеч ким жиддий танқид қилмаган бўлса ҳам, ҳамма аҳволни тўғри тушуниб етаётган бўлса ҳам, Алиев ўз-ўзидан хуноб эди.

Қандай гап? Ўсимлик экилади, унга кунида бўлмаса ҳам, ҳафтада бир марта икки-уч киши қараб туради. Кимлар улар? Қачон қарайди экинга? Нега ҳеч ким кўрмайди уларни? Кейин ўрилади, қопларга дони солинади, ноялари алоҳида бедага боғланади, кечасими, кундузими қаёққадир олиб борилади, ёйиб

куритилади, янчилади, қандайдир одамлар келиб, машиналарга ортиб олиб кетишади. Лекин, қанчадан-қанча одам, милиция ходимлари, колхозчилар уларни кўришмайди. Кўриш у ёқда турсин, нима билан шуғулланаётганларини билишмайди. Вақти-вақти билан қишлоқлар устида одамни танитадиган ёқимли ҳид пайдо бўлади. Кўп ўтмай бу ҳидни шамол бошқа томонга олиб кетади, ё ҳид-пиди билан дорининг ўзи қаёққадир ғойиб бўлади. Бир ой-икки ойдан сўнг кимнингдир ҳовлисига янги, номерсиз машина кириб келади, кимнингдир ҳовлиси ва кўчасида бутун қишлоққа ўғил тўйи баҳона қўлинг ўргилсин ош тортилади, жиззали нон ушатилади. Кимнингдир эски уйи ёнида пишиқ ғиштдан баланд уч-тўрт хонали янги уй кўтарилади, устига оқ тунука ёпилади. Аммо ким кўкнори ўстиради, кимга сотади, ҳеч ким билмайди. Қўлга тушган гиёҳвандларнинг ҳеч қайсиси дорини қаердан олганини айтмайди. Йиғлайди, уввос солади, қасам ичади, лекин кимдан сотиб олганини, қанчага олганини айтмайди. Алиев бангилик балосига гирифтор бўлганларнинг кўпини билади. Яхши-яхши оилаларнинг фарзандлари. Эркалик, ёлғизлик, тўқлик баъзиларини шу кўчага бошлаган. Қизларнинг аксарияти эса соддалик қилиб қўлга тушишган. Турмуш қуриш ниятида алданиб, қўлма-қўл бўлиб кетишган. Йиғлашади, ялинишади, аммо бу йўлдан чиқиб кетишолмайди...

Майор Сиддиқов майдоннинг пастки томонидан нимадир топиб келди ва Алиевга узатди.

—Кўрмай қолишибди-да, — деди раис унинг қўлидаги бўлиқ кўкнори донларига қараб. — Яхши етилибди. Колхозники бунчалик катта эмас.

—Нега? — сабабини унча-мунча тушуниб етса ҳам қизиқиб сўради Алиев.

—Нега бўларди? Колхоз ҳукумат идорасига, ҳукумат белгиланган нархда сотади. Колхозчига фойда кам. Булар ўзи учун экади. Нархни ҳам ўзи белгилайди.

—Поянинг бир боғи уч минг!

Алиев бу гап эгасига ялт этиб қаради. Раис билан бирга келган одамнинг ёшини аниқлаш қийин эди. У катта, елкадор, баҳайбат маймунни эслатади. Кичкина думалоқ қора кўзлари устидаги қошлари туташ, шалпангқулоғи елкаларига тегай-тегай деб турарди. Енги калта кўйлаги ичидан чиқиб турган қўллари саксовул шохларига ўхшайди, узунлигидан ерга тегай деб турибди.

— Қимматмасми жуда? — сўради майор Сиддиқов. — Мен бир ярим, нари борса икки минг, деб эшитган эдим.

— Кукунга жуда яхши кетар экан. Тагин ким билади? Фермада канализация ўтказаяётган боллар шундай деяпти.

— Одамбой нарх-навони яхши билади, — деб гапга аралашди раис.

Одамбой ғалати овоз чиқариб кулди. Мақтовдан, афтидан, у севинган эди. Шу пайт ўроқчилар икки отли аравада етиб келишди.

— Энди буларга жавоб-да, а? — сўради раис Алиевдан.

— Йўғонтепага ўтишмайдими?

— Ўтса бўлади, — раис бош силкиди.

— У ердагисини ўриб олишмаганмикин?

— Ким билади дейсиз? — раис елкаларини қисди.

— Ҳар эҳтимолга қарши боришсин. Биз ҳам ўтамыз.

Алиев шундай деб, вертолёт томон юрди.

Раис Одамбойни машина томонга жўнатиб, ўзи Алиевга эргашди.

Ярим соат ўтар-ўтмас улар Йўғонтепанинг тахмин қилинган кўкнори майдонига қўнишди. Бу майдон ҳам худди Тангатопдидагидек ўриб олинган, теп-текис қилиб ҳайдаб қўйилган эди.

— Ҳаҳ баччағарлар! Ҳаҳ баччағарлар-ей! — сонларига семиз қўлларини уриб сўкинди Тешабой ака. — Кеча турувди-я! Манаман, деб турувди-я кеча!

Алиев индамади. Унинг ҳафсаласи пир бўлган, лақиллаб изза бўлган одам ҳолига тушган эди.

Кимдир жуда усталик билан уларни лақиллатган, ҳеч нарсадан кўрқмай, шунча жойдаги қимматбаҳо ўсимликни бир кунда йиғиштириб, милициянинг қанчалик ночор эканлигини кўрсатган эди. «Булар билан ўйнашиб бўлмайди», — хаёлидан ўтказди Алиев ва овозини чиқариб сўради:

— Бу ерга ҳам комбайн кўтарилиши қийинми?

— Агар учар комбайн бўлмаса бу ерга келолмайди.

— Бу майдон каттароққа ўхшайди?

— Бир ярим гектар чиқса керак. Кам эмас.

Раис у ёқ-бу ёққа юриб, синчиклаб қаради.

— Ҳа, камида бир ярим гектар.

Алиев ўзидан, вазир ўринбосаридан яна ранжиди. Улар жуда кеч ҳаракатга тушишган эди. Энди у ўриб олинган кўкнори қаер-

далигини ҳам, кимларга тегишли эканини ҳам аниқлаши амри маҳол. Охирги умид, сотиб олиб кетаётган одамларни қўлга туширишда. Бозорда, аэропортда, вокзалда. Бу ишга энди анча одамни аралаштириш керак бўлади.

—Собиржон ака, — Алиев майор Сиддиқовга мурожаат қилди. — Сиз қолсангиз. Агар раис қаршилик қилмасалар, колхоз гаражидаги ҳамма комбайнларни текшириш лозим. Уларни текширмагунча чиқармаслик керак. Кеча, ўтган куни, бугун азонда ҳайдовчилари қаерда бўлган, қаерга боришган — шунини аниқлаш шарт. Уччала қишлоқдан чиқиб кетаётган машиналарни бирма-бир кўриш керак. Уччала қишлоқ деяпман, Иштонтушдида ҳам ўриб бўлишган. У ерга ҳам кеч қолдик. Розимисиз?

—Бўпти. — Майор Сиддиқов қаддини ростлаб, честь берди.

Олисдан йўлни чангитиб раиснинг «УАЗ» машинаси кўринди. Алиевнинг кўз олдидан Одамбой ўтди. Ким бўлди экан бу одам? Раисга нима алоқаси бор? Нега у бу ғалати одам билан юрибди? Алиев шу хаёлда раисга қаради

—Одамбой ҳам вертолётга сиғарди...

—Э, уми, осмондан қўрқади. Умрида бир марта ҳам тушмаган. Машинага ҳам зўрға чиқади, — деб раис кулди. — У отни яхши кўради.

Алиев раисга ажабланиб қаради. Ернинг тагида илон қимирласа биладиган одам, наҳотки уч жойда гектар-гектар экин экилиб, ўриб кетилармиш-у, ким экканини, ким ўриб кетганини билмас эмиш. Бу ҳеч ақлга тўғри келмас эди. Ундай деса, вазир муовинининг гапига қараганда, шу ерларда ўғринча кўкнори борлигини у хабар қилган. Хўш, хабар қилишдан мақсади нима эди? Нега шунча имкониятлари бўлатуриб, ўзи ўрдирмади? Ўрдириб, колхоз маҳсулотига қўшиб юбормади? Чўчидими? Балки режасиз кўкнори унга керак эмасдир? Заводлар ундан шартномадагидан зиёдини олишмас? Хабар қилганлиги бир ҳисобда тўғри. Адлия идораларига қишлоқларда нима бўлаётганини, одамлар ҳалол иш билан бирга мана шундай ҳаром йўлга ҳам қадам қўйишяпти, билиб қўйинглар, демоқчи. Бир куни у тегишли жойларга айтганман, дейди. Дўппи тор келиб қолгудай бўлса, сувдан қуп-қуруқ чиқади... Алиев унинг фаросатига тан берди. У вақтидами, кечми, барибир, хабар берди. Милиция эса кеч қолди. Мантиқ нуқтаи назаридан энди айб жиноят қидирув идораларига тушади.

Машина космонавт Жонибеков ҳайкалини айланиб ўтаётганда, Алиевнинг хаёли бўлинди. У бошини кўтариб, оғир хўрсинди. Бошлиқлар олдида уни нима, қандай гап кутаётган экан? У бир нарсани аниқ биларди. Уни уришишмаса ҳам, аҳволнинг жиддийлигини албатта писанда қилишади. Сўнгги уч йил ичида жумҳурият гиёҳвандлик бўйича Ўрта Осиёда иккинчи ўринга чиқиб кетди. Натижада жиноятларнинг турлари ҳам кўпайди. Ота-оналар қоронғи тушиши билан болаларини уйдан чиқармайдиган бўлиб қолдилар. Кўп томоша заллари, истироҳат боғлари одам камлигидан ҳувиллаб ётибди. Безориларга қарши кураш қанчалик қаттиқ олиб борилмасин, сезиларли натижа йўқ, халқ милициядан норизо. Унга ишонмай қўябошлаган. Алиев уруш йилларни эс-эс билади. Очлик, етишмовчилик ҳозиргидан юз, минг чандон кўп бўлса ҳам одамлар бир-бирига муҳрибон, аҳил эди. Ҳозир кўчада биров йиқилиб ётса, устидан ҳатлаб ўтиб кетишади. Лекин одамлардан гина қилишга асос йўқ. Айб уларда эмас, мамлакатдаги бебошвоқлик, давлат, партия идораларининг инқирозга юз тутиши уларни шу аҳволга солиб қўйган. Алиев эмас, ҳарбий кийимдаги кўп зобитлар, район, шаҳар идораларининг баъзи бошлиқлари, партия муассасаларида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган одамлар мамлакатдаги бу аҳволнинг сабабларини Москвадаги давлат раҳбарларига олиб бориб тақашар; жиддий, одамлар ғамини ейдиган, ҳокимлигини бир чеккага қўйиб, фақат халқ ҳаётини яхшилаш ниятини асосий мақсад қилиб олган давлат ўрнатилмагунча шу парокандалик, инқироз ҳали узоқ давом этиши мумкинлигини яхши билишарди. Ҳозирги мамлакат аҳволи хонлик, амирлик даврини кўп ўринда эслатиб қўяди. Энг аввало халқ иккига бўлиб ташланди – бойлар ва камбағаллар пайдо бўлди. Аввал пулни яхши кўрадиганлар танқид қилинарди, порахўрлар, ўғрилар жазога тортиларди. Тамағирлик, қўшмачилик, порахўрлик хуфия қилинарди. Ҳозир очиқ-ойдин одат тусига кириб кетди. Ўтган йили вазирликда навбатчилик қилиб ўтирганда Алиевнинг қабулига Қаршидан бир оқсоқ қиз кирди. У мактабни олтин медал билан битирганини айтиб, медални Алиевнинг олдига қўйди-да, йиғлаб юборди. Уч йилдан бери ТошМИга киролмас эмиш. Йилдан-йилга кириш нархи ошиб кетаётган эмиш. Биринчи йили беш минг сўрашибди. Қиз рад қилиб, ғазаб билан юргига қайтиб кетибди. Ўтган йили саккиз минг талаб қилинибди. Бу йил эса ўн

икки мингсиз рўйхатга ҳам олмаймиз, дейишибди. «Мен касалманд одамман, умрим, билимим, ақлимни яхши ниятлар билан одамлар соғлиғини сақлаш, қайтаришга бағишламоқчи эдим. Қайси мамлакатда бундай хўрлик, хорлик бор? Мен энди нима қилай? Ўзимни ёндирайми? Бу қийин эмас? – Қизнинг алам билан айтган бу гапларини Алиев юраги эзилиб эшитди. Бир амаллаб уни фармацевтика институтига киритиб қўйди. Алиев қиздан ўшанда бир нарсани илтимос қилди. Пул сўраганларни айтиб беринг, деди. Қиз институтга кирганидан кейин айтишга ваъда қилди. Аммо келмади. Алиев уни тушунди. Ўнта одамнинг исм-шарифини айтгани билан исботлаб беролмайди. Исботлашни истамайди ҳам. Чунки исботлашга уринса, бу институтдан ҳам ҳайдалиб кетади. Унга кун беришмайди. Пул ўртага қўйилган жойда ор-номус бўлмайди, андиша, ҳурмат йўқолади. Ўз талабаларини тартибга чақиролмайдиган, улардан билим талаб қила олмайдиган, дарсларига қатнашмаса, сабабини суриштиролмайдиган, қорадори еганини, кайф билан институтда юрганини кўриб, ўзини кўрмаганга оладиган ўқитувчилар кўпайиб кетди. Сабаби – пул. Сабаби—олинг қуда, беринг қуда. Шунинг учун тили қисиқ. Ақли калта, келажакни ўйламайдиган бойвачча студентлар бундан фойдаланишади. Ҳафталаб институтга келишмайди. Лекин рўйхатда доим бор. Зачёт, имтиҳон топширишмайди. Группа бошлиғи тўрт-беш қўйилган имтиҳон китобчаларини олиб келиб беради.

Алиев билган, аммо қўли калталиқ қилган бемаза ишлар кўп эди. Битгаси бугунги хуфия экилган, эгаси номаълум кўкнори майдонлари. Шу оддийгина иш ҳам натижасиз чиқди. Лекин шундай қолдириб бўлмайди. Жиноятчиларни топиш керак. Аммо, қандай йўл билан? Қачон?

Алиев вазирликка кириб, хонасига эмас, вазир ўринбосарининг қабулхонасига кўтарилди.

—Бормилар? – сўради у.

Бошини машинкадан кўтармай, нимадир босаётган котиба унинг овозини таниди, жилмайиб, жавоб берди:

—Гулистонга кетдилар. Эшитмадингизми?

—Нимани? – деб сўради Алиев, қизнинг рўпарасига келиб.

Қиз ишдан тўхтаб, қўлларини ёзди-да, Алиевга қаради.

—Болаларни олиб кетаётган автобус поездга урилиб ёниб кетибди.

— Болалар тирикми?

— Ҳаммаси ҳалок бўлибди. Айтишларича, шофёр наша чекиб олган экан.

Алиев ҳеч нарса демай чиқиб кетаётганда, котиба сўради:

— Хонанингизда бўласизми?

Алиев бошини силкиди.

— Мабодо келиб қолсалар, айтаман.

Алиевнинг кайфияти баттар бузилди. Бир автобус бола нобуд бўлибди. Йўқ, бу ярамас ўтқи уруғ-пуруғи билан йўқотиш керак. Жиноятчиларни қаттиқ жазолаш керак. Ким билади, балки Йўғонтепада сотилган дори Гулистонда ҳам бордир?

Алиев хонасига кириб, кўчага қараган деразани очди. Иссиқ ҳаво юзига урилди. Бу ҳавода чанг ҳам, бензин куйиндиси ҳам, резина ҳиди ҳам бор эди. Шундай бўлса ҳам барибир, хонанинг дим ҳавосидан яхши эди. У дераза олдида бирпас турди, кейин жойига бориб ўтирмақчи бўлганида боя, уйи олдида турган жигарранг «Жигули» кўринди. Синчиклаб қараб, машина ичида япалоқ юзли семиз ҳайдовчи билан қорачадан келган ёш йигитни кўрди. Алиевнинг назарида улар ҳам уни кузатиб туришгандек бўлди. Ким булар? Унда нима ишлари бор?

Телефон жиринглаб, унинг хаёли бўлинди.

— Алиев, — деди у одати бўйича.

— Менман, — бу Санобарнинг овози эди.

Алиев хотинининг нимдандир хавотирда эканини сезди.

— Нима гап?

— Ўзим, шундай, — деди Санобар. — Қачон қайтишингизни айтсангиз бўларди.

— Кеч қайтаман дедим-ку, боя. Тинчликми? Нима ишинг бор эди?

Алиев хотинининг бекорга хавотирланмаслигини биларди.

— Майли, — деди Санобар. — Қачон қайтманг, кутаман. Телефонда айтмайман. Хавотир олманг. Болалар ҳам, мен ҳам тинчмиз.

— Иложи борича эрта қайтишга ҳаракат қиламан, — деди Алиев.

— Кутаман, — Санобар трубкани қўйди.

«Нима гап экан? — ўзича ўйлади Алиев. — Равшан бир бало қилиб қўйдимикан? Ё яна совчилар келдимикан Райҳонга?»

Яна телефон жиринглади. Унинг хаёли бўлинди. Телефоннинг овози шаҳарники эмас эди.

—Кодиржон Алиевич! Майор Сиддиқов!.. бўғиқ овозни эшитди Алиев трубкани кутарганда. — Йўғонтесапан гапиряпман.

—Эшитаман. Нима гап? — тоқатсизланиб сўради Алиев.

—Бир соат бурун бу ерда участкавойиннинг ўлигини топдик. Кечадан бери йўқ экан. Экспертизага жўнатдим. Ҳозирча битта нарса аниқ: уни ўлдириб кетинган.

—Қаерда?

—Уйининг орқасидаги ташландиқ ферма йўлида.

Сиз ўша ерда бўлиб туринг. Экспертиза билан ўзим шуғулламанаман.

Хўп бўлади.

У столни айланиб ўтиб, яна дераза олдига келди. Жигарранг «Жигули» жойида турарди. Иккала одам ҳам машина ичида. Демак, уни пойлашяпти. Ҳар бир қадами кузатувда. Нима қилишмоқчи? Агар нияtlари уни йўқ қилиш бўлса, бундай пойлашмас эди? Қизиқ, Санобар нима демоқчи эди?

Алиев селектор тугмаларидан биттасини босиб, лейтенант Исмоиловни чақирди.

—Ўктамжон, деразадан қаранг, жигарранг «Жигули» турибди. ГАИдагиларга айтинг, кимнинг машинаси экан, аниқлашсин. Ҳозирдан эътиборан назоратга олишсин.

—Хўп бўлади, ўртоқ майор. Эрталабки топшириқларингиз бажарилди. Ҳамма қоғозлар шу ерда. Қачон олиб кирай?

—Бугун кўришга вақтим йўқ. Ҳалиловга телефон қилинг. Қачон боришимиз мумкинлигини сўранг.

Рустам Ҳалилов вилоят судмедицина экспертиза институтининг бош шифокори эди. Лейтенант гап нима ҳақда кетаётганини, афтидан, билса керак, суриштириб ўтирмади.

—Аниқлаб, телефон қиламан сизга, — деб гапни калта қилди.

Майор Алиев хотинига берган ваъдаси устидан чиқолмади. Уйига тунги соат иккиларда қайтди.

## II

Санобарнинг эрига телефон қилгани бежиз эмас эди. Эри билан гаплаша туриб, нотўғри иш қилганини тушунди-ю, гапни бошқа ёққа буриб юборди. Унгача эса ўзини тутолмади, ниҳоятда қаттиқ ҳаяжон, ростини айтганда қўрқув бутун вужудини қоплаб олган эди.

Эри кетиши билан телефон жиринглади. Санобар тез-тез юриб келиб, трубкани кўтарди.

Санобархон! – йўгон эркак овози эшитилди. – Диққат билан қулоқ солинг: эрингиз Йўғонтёпа бўйича олган ишини ташласин, ё бошқа бировга берсин.

— Тушунмадим, ким гапиряпти? – ҳайрон бўлиб сўради Санобар.

— Ким гапирётганининг аҳамияти йўқ, — деди яна йўгон овоз. – Хаёлингизни йиғиштиринг. Қайтараман: эрингиз Йўғонтёпа бўйича топширилган ишни қайтариб берсин. Шуғулланмасин. У томонларга яхшиси бормасин. Агар қулоқ солмаса, ўзидан кўрсин.

Санобар аввалига гарангсиб қолди. Сўнг гапирётган одам жиноятчилардан эканини англаб, телефонга уланган магнитофон тугмасини босиб қўйди.

— Фуф! Фуф! Қайтаринг. Яхши эшитилмаяпти.

— Қайтараман: агар эрингиз Йўғонтёпа иши билан шуғулланар экан, фожиа юз беради. Тушундингизми?

— Ҳа, тушундим, — хавотирга тушиб жавоб қилди Санобар ва магнитофонга қараб қўйди. Унинг лента ўралган ғалтаклари айлана бошлаган эди. – Қандай фожиа?

— Билмоқчимисиз? – сўради йўгон овоз кулиб. – Майли. Айтаман. Болаларингизни яхши кўрасиз-а? Равшанни ҳам, Райҳонни ҳам. Кўрдингизми? Уларни биламиз. Қаерда ўқишлариниям биламиз. Қодиржон ҳам болаларини сизга ўхшаб яхши кўради. Ё яхши кўрмайдими? Нега индамайсиз?

— Йўқ, яхши кўрадилар.

Санобар юраги гупиллаб ура бошлаганини сизди.

— Баракалла. Шу яхши кўрган фарзандларингиз билан ҳар нарса бўлиши мумкин. Масалан, Равшан аварияга учраб, умрбод ногирон бўлиб қолиши, Райҳонийни ўғирлаб кетишлари мумкин. Бир ой, ярим ойдан кейин бирон жарликдан топасизлар ўлигини.

— Ифлос! Ярамаслар! Нима деяпсанлар! Ҳали сенлар шошмай турларинг! Санобар чидолмай бақира бошлади. – Ўша жарликда ўзингнинг ўлигингни кўрай, яшамагур!

— Ўзингизни қийнаманг, — йўгон овоз хотиржам гапирди. – Мен сизни огоҳлантиряпман. Бекордан-бекорга болаларингизни ҳеч ким хафа қилмайди. Бахтли бўлишсин. Уларнинг роҳати-

ни кўринг. Аммо, яхшилаб эшитиб олинг. Биз ҳазиллашаётганимиз йўқ. Икки кун муҳлат берамиз. Эрингиз биз айтган гапга кўнмаса, болаларингизнинг уволига қолади.

— Ҳой, тўхтанг, мен сизни қаердан топаман?

Санобарнинг гапи узилиб қолди, йўғон овоз эгаси гўшакни илиб қўйди. Санобар титраб турган қўлидаги гўшакка қаради. Кейин яна қулоғига тутди. Узлуксиз овоздан бошқа ҳеч нарса эшитилмади. Санобар бўшашиб, стулга чўкди-да, гўшакни жойига қўймай, эрининг номерини тера бошлади. Эри билан гаплашганига жиндек хижолат бўлди. Уни бекор ташвишга солиб қўйди. Эрининг ҳушёр одамлигини яхши биларди. Пўписа ҳақида ҳеч нарса демаган бўлса ҳам, унинг хавотирга тушганини сезди. Шошиб гапни қисқа қилиб қўя қолди. Санобарнинг ўрнидан қўзғолишга мажоли йўқ эди. Телефондаги бегона овоз унинг ўзини сўкканида, қўрқитганида бошқа гап эди. Хавотирга тушса ҳам, бунчалик безовта ва бетоқат бўлмасмиди? У бир нуқтага тикилиб, ҳеч нарсани кўрмай, анчагача хомуш ўтирди.

Ярамас, икки кун муҳлат берди-я. Икки кундан кейин... Нима қилиш керак? Албатта, аввало эрига айтиб, ёзувларни эшиттириш керак. Биргалашиб, аниқ бир режа тузиб қўйишлари шарт. Болаларни ҳам огоҳ қилиш зарур. Адалари қаерда ишлашини, қандай хавфли одамлар билан дуч келишини билишади. Улар ҳам ўзларича эҳтиёт чораларини кўриб қўйишсин. Масала бир ёқлик бўлгунча ким билади, балки уйдан чиқмаганлари, уй атрофига эса соқчи қўйишгани маъқулмиди? Санобар ўзича шундай ўйлар, лекин бунга қандай қарайди, умуман, милиция қандай чора кўради – у билмасди. Лекин у бир нарсани дилига қаттиқ туғиб қўйди. Эрининг камтарлигини у яхши биларди. Шунинг учун у лозим бўлиб қолса, тўппа-тўғри вазир ёки унинг ўринбосарларига айтиб, болаларни яхшироқ кўриқлашни илтимос қилади. Эрини ҳам эҳтиёт қилишларини сўрайди.

У беихтиёр девордаги осма соатга қаради. Олтидан йигирма дақиқа ўтибди. Шу бугунгача у болаларининг қачон ўқишдан қайтишларига эътибор қилмай келар эди. Равшанку, ўзига хон, ўзига бек, баъзан ўртоқлариникида ётиб ҳам қолади. Ҳозир ўйлаб қараса, Райҳоннинг ҳам уйга қайтишида аниқлик йўқ экан. Санобарни қўрқув босди. Қизининг институтига телефон қилмоқчи ҳам бўлди. Лекин қизи ҳақида нотўғри фикр туғдириб қўйишдан қўрқиб, шаштидан қайтди. Аммо дарс соатларини билиб қўйиши керак. Бугуноқ билиш керак.

У онасининг вафотидан сўнг ишламай, ўзини уйга, болаларига бағишлаган эди. Вақт тез ўтар экан, кўз очиб юмгунча, ўн беш йил ўтиб кетибди. Онаси каби у ҳам бирон марта болаларини уришгани, ургани йўқ. Сокинлик, оғирлик билан ўстирди. Эри ҳам унга ўхшайди. У ҳам бирон марта болаларига қаттиқ гапиргани йўқ. Шунинг учун улар эркин ўсишди. Уйда иккалови ҳам ўзини ота-оналари билан тенгдек тутишади. Ҳамма нарса уйда очиқ-сочиқ-лилига, пул ҳам, қимматбаҳо нарсалар ҳам бекитилмай, саналмай ётишига қарамадсан иккалови ҳам берухсат ҳеч нарсага тегинишмайди. Қодиржон битта нарсани болаларидан, айниқса ўғлидан узоқ вақт яшириб юрди: шахсий машинанинг калитларини. Равшан, айниқса, ўн тўрт-ўн беш ёшлик пайтлари машина атрофидан жилмайдиган бўлиб қолди. Дам олиш кунлари у ёқ-бу ёққа ҳаммалари чиққанларида иложи борича машинани бошқаришга интилар, отаси йўқ пайтида дарҳол рулга ўтириб оларди. Ҳозир эса, машина очиқ турса ҳам рухсат сўрамай олдига бормайди. Ота-бола машина калитларини бўлиб олишган. Алиев ўғли шофёрлик ҳуқуқини олганидан бери оила ишларининг кўпидан қутулди. Бозор асосан ўғлининг бўйнида эди. Равшан яхши ҳайдовчи чиқди. Бир марта қишда катта юк машинасига урилиб, бир эшик, бир қанотни пачоқ қилганидан бери, тўрт йил ўтди, машинани яхши миниб юрибди, ками-кўстларининг ҳаммасига ўзи қарайди.

Шундай бўлса ҳам Санобар ўғлини эслаб, бирдан хавотирланиб кетди. Ҳовлига тушиб, гаражни қараб келди – машина жойида эди.

Кўнгли бир оз таскин топиб, овқатга уннай бошлади. Нима қилишини билмай, пиёз тўғради, картошка арчди. Шундагина қовурдоқ қилиб қўя қолиш фикри келди. Қозонга ёғ солиб, қиздира бошлаганда, маслаҳатлашгандек Равшан билан Райҳон кетма-кет кириб келишди.

— Опа! Шошиб турибман! Ейишга нимангиз бор?

Райҳон опасининг юзидан чўлп этиб ўпди-да, сумкасини диванга ташлаб, ичкари хонага кириб кетди.

— Қаёққа шошяпсан? – сўради Санобар.

Аммо қизи унинг саволини эшитмади. Тезда ювиниб, бошқа қўйлагини кийиб чиқди.

— Қаёққа кетяпсан? – деб сўради Санобар.

— Мисрдан бир профессор келибди. У лекция ўқиб берар экан. Миср маданияти, фиръавилар ҳақида.

— Бормайсан. Рухсат бермайман.

Санобар қандай қилиб шундай кўпол тарзда қизининг хоҳишини рад қилганини ўзи сезмай қолди.

Райҳон кўзларини катта очганича онасига тикилди.. У эсини таниганидан бери биринчи марта шундай жавобни эшитишни эди. Нега? Нима учун? У тушунмади.

— Кеч бўлиб қолди. Қоронғида ҳеч қаёққа чиқмайсан.

Ёзнинг ўртасида кеч ўнгача кун ёруғ бўларди. Буни билган Райҳон баттар ажабланди. Шуни айтмоқчи эди, онаси гапиртирмади.

— Мендан хафа бўлма. Миср маданиятини китобдан ўқиб оларсан. Кейин, сен инглиз тили ўрганияпсан. Арабчани эмас.

— Опа?!

Райҳон хафа бўлишни ҳам, ғазабланишни ҳам билмас эди.

— Онанг сенга ёмонликни раво кўрмайди, — шартта-шартта гапирди Санобар. Болалари учун хавф пайдо бўлганини сезган пайтидан бери ўзида қандайдир янги бир қудрат ва режа пайдо қилган эди. — Замон нотинч. Аданг келсин, кейин нима қилишни гаплашамиз. Гап фақат бугун устида эмас. Гап...

Шу пайт Равшан кириб келди. Уни кўриб, Санобар қаттиқроқ гапирди.

— Гап кейин сенинг ҳақингдагина эмас, гап аканг, Равшанга тааллуқли. У ҳам ҳеч қаёққа чиқмайди.

— Нима гап ўзи? — сўради Равшан.

— Айтинг ўғлингизга! — деди Райҳон қошларини чимириб. Унинг энди жаҳли чиқа бошлаган эди.

— Айтаман, — Санобар ўғлига қаради. — Вақтли келганинг яхши бўлди. Иккаловинг ҳам бугун кечқурун ҳеч қаёққа чиқмайсизлар. Чиқармайман.

— Мен боришни ҳам истамайман. Қиладиган ишларим кўп уйда, — деди Равшан хотиржамлик билан.

— Жуда яхши. Демак, гап Райҳонга тегишли.

— Опа, айтинг, нима гап ўзи? Нега Райҳон бугун кечқурун кўчага чиқмаслиги керак? Мени ҳам нега чиқармоқчи эмасдингиз?

— Замон нотинчмиш! — киноя қилди Райҳон

— Ҳа, нотинч, — кинояни тушунган бўлса ҳам парво қилмай гапирди Санобар. — Боя бир нотаниш одам телефон қилди. Адаларинг келганида айтмоқчи эдим. Майли. Ҳозир айтиб қўяқолай. Аданг бир иш билан шуғуллана бошлаган эмиш. Шу ишини ташламанса, ё бировга топширманса, сенларга ёмон бўлар экан. Энди тушундиларингми?

Равшан ҳам, Райҳон ҳам жавоб беришмади. Улар тушунган эди, албатта. Бу – махфия, жиноятлар гуруҳи. Қанча улар? Буни адиллари билиди фақат. Балки, у ҳам билмас ҳали? Оналарининг чўчиганида жон бор. Улар ёлғондакам пўписа қилишмайди. Равшан ҳам, Райҳон ҳам шундай баъзи пўписалар нима билан тугаганини яхши билишади.

— Жуда зарурмиди боришинг? – деб сўради Равшан синглисидан.

— Бунақа лекция бошқа бўлмайди, — деди Райҳон хўрсиниб.

— Опа! – бирдан ўрнидан турди Равшан. – Қизингизни институтга мен обориб келаман. Лекция тугагунча машинада ўтираман. Рухсат берақолинг?

Санобар ўйланиб қолди. Улар икки кун рухсат беришди. Бугун, эрта ҳеч кимга тегинишмайди.

— Жон опа! – ялинди Райҳон. – Хўп деяқолинг.

— Хўп, — ниҳоят рози бўлди Санобар. – Лекциядан кейин тўғри уйга келларинг. У ер-бу ерда сув-пув ичамиз, деб машинадан тушманглар.

— Хавотир олманг. Келишдик.

Равшан ўрнидан туриб гараж томон йўл олди.

Улар кетиши билан Санобар ўзи дарвозани беркитиб келди.

Телевизорда «Ахборот» бошланганида кўча эшик қўнғирогги чалинди. У телевизорни ўчириб эшикка йўл олди.

У дарвоза олдига бориб, эшикка ўрнатилган шиша тирқишдан кўчага қаради. Эшик олдида икки кўча наридаги маҳалладоши Шоҳодат опа турарди. Баъзи-баъзида ундан сут-қатиқ оларди. Санобар эшикни очди. Шаҳодат опа тортиниб кирди. Уялинқираб атрофга бир қараб чиқди.

— Қодиржон ишда бўлсалар керак?

— Ҳа, ишда эдилар.

— Биламан, ишлари оғир, — Шаҳодат опа яна бир қандайдир хижолатлик билан атрофга қаради. – Боя келаётувдим. Болаларингиз машинада кетишаётган экан, қайтдим. Улар кетишдими ё уйдаими?

— Райҳоннинг институтига кетишди. Нима эди? – сўради Санобар ундаги иккиланишни сезиб.

— Айланай, Санобархон... — Шоҳодат опа гапни нимадан бошлашини, нима дейишини билмай бошини эгди.

Шунда Санобарнинг кўзлари унинг қўлларига тушди. У гулли дастрўмолга ўроғлиқ кичкина бир нархани дам у, дам бу қўлига олиб, қаерга қўйишини, уни нима қилишини билмасди.

— Мен Қодиржонни кўрмоқчи эдим, — зўрға гап бошлади Шаҳодат опа, — лекин олдин сизга бир нарсани гапириб қўйсам. Яхшиям битта ўзингиз экансиз. Майлими, жоним?

— Майли, майли! Юринг! — Санобар эшикни занжирлаб, уни равонга бошлади.

— Тинчликми ишқилиб?

— Э, тинчлик нариги дунёда насиб қилса керак. Бу дунёда умрим фақат ташвиш билан ўтаяпти.

— Қўйинг, ундай деманг!.. — юпатди Санобар. — Яхши кунларниям Худо ато қилиб қўйгандир?!

У ичида Шаҳодат опага ачинди. Энди эллик бешларга борган бу аёл етмиш-саксон ёшли кампирлардек қариб қолган эди. Ер қимирлаган йили бир кунда ҳам отаси, ҳам онасидан ажради. Қариндош-уруғлар, отасининг ошна-оғайнилари қўшиб-ча-тиб, Шаҳодат опага Санобарларнинг маҳалласидан қора сувоқдан чиққан уй олиб беришди. Яхши бир одамни топиб, ичкўёв қилиб қўйишди. Эри ҳақиқатдан яхши одам чиқди. Жуда мўмин, камтар, камсуқум экан. Қандайдир тайёрлов базасида экспедитор бўлиб ишларкан, ярим йил ичида уйнинг ҳамма ишларини битириб, қўғирчоқдек қилиб юборди. Маҳаллага ўзини танитиш мақсадида ош берди. Кичкина кўча эшикни олиб ташлаб ўрнига чиройли, ўймакор тахта дарвоза ўрнатди. Дарвозанинг рўпарасига гараж қуриб, янги «Жигули» машинасини сотиб олди. Турмушлари яхши ўта бошлади. Қиз кўришди. Аммо эри бечоранинг умри қисқа экан. Дуркент томонга сафарга кетиб, бир ҳафтадан зиёд қолиб кетди. Одатда икки-уч деганда қайтарди. Саккизинчи куни ярим кечада ўлигини олиб келишди.

Шаҳодат опа бошқа турмуш қургани йўқ. Ҳаётини шу қизи — Шоҳидага бағишлади. Шундан бери йигирма беш йил ўтибди. Шаҳодат опа қизини охирги марта биринчи май куни кўрди. Онасига совға-салом олиб келиб, ўша куниёқ ишлаётган жойи — Дуркент Маданият уйига жўнади. Онасини ҳам юринг, деб зўрлади. Шаҳодат опа рози бўлмади. Қизи каталакдек икки хонали уйда турарди. Бир томондан, куёвнинг қош-қовоғига қараб ўтириш оғир. Яна бир томондан, бориб уларни сиқиб қўяман деб хижолат бўлди. Одам бир кун бўлса ҳам, бировга оғирлиги тушмасдан яшаши керак. У шундай деб, қизининг илтимосини рад қилди. Борса бўларкан. Ким билади, борганида Шоҳидаси беному нишон кетмасмиди? Шоҳодат опа ҳеч ўзини кечирмайди.

Шоҳида ўшанда «Шифокор» колхозининг «ГАЗ-69» машинасида келиб-кетди. Машина бор. Ҳайдовчи бола бор. Шоҳида йўқ. Ҳайдовчининг гапи бўйича ўша куни у уйида қолган, машинага рухсат берган. Чунки маданият уйи шундай уйининг ёнида. Ҳайдовчи кетган. Шоҳида уйига кирганича, беному нишом йўқолган. Мамлакат бўйлаб уч ой қидирилди. Ҳеч қаердан дараги чиқмади. Уч ярим ой ўтганда маҳалладаги кексалар, жаноза очишни маслаҳат беришди.

Сағбондаги фолбин киши Шаҳодат опанинг дардини эшитиб:

— Қизинг ўлган. — Ҳа десаммикан, жар десаммикан, ишқилиб қоронғи бир жойда ётибди. Худди тирикдек ётибди. Қон чиқмаган. Бўйнида қора чизиқлар кўряпман. Эҳтимол бўғиб ўлдиришгандир? Жаноза оч, руҳи шод бўлади.

Шаҳодат опа маҳалла оқсоқоллари билан фолбиннинг айтганини қилди. Бедарак йўқолган қизига жаноза ўқитди.

Санобар шуларни билгани учун бу бечора аёлнинг бошига яна нима ташвиш тушди экан, деб хавотир олди.

Шаҳодат опа айвонга кўтарилиб, стулга омонат ўтирди. Фотиҳа қилди. Кейин қўлидаги чақалоқ муштидай тугунчани стол устига, Санобарнинг олдига қўйди.

— Кўринг, айланай. Тарихини кейин айтиб бераман.

Санобар дастрўмолнинг тугунини ечиб, очди. Ичидан аёллар соати чиқди.

— Шоҳиданики бўлса керак? — тахмин қилди Санобар.

— Ҳа, қизимники, — бошини эгиб тасдиқлади Шаҳодат опа ва йиғлаб юборди. — Шу кўргилик ҳам бор экан бошимда, — деди у йиғи аралаш.

Кейин бор гапни айтиб берди. Қурбон ҳайит яқинлашиб қолган, келди-кетди кўпайиши, бир автобус бўлиб райондан, қизининг ишхонасидан келиб қолишлари мумкин. Қариндош-уруғ, маҳалла йиғилади. Йилини ҳам ўтказиш керак. Отин бувига айтиб қўйган. Шуларга, кейин, мева-чевага пул зарур. Куёви ташлаб кетгани кам, етмайди. Ўзининг пенсиясига ишониб бўлармиди? Уйни йиғиштираётиб, Шоҳиданинг хонасида жавондаги бир семиз китобнинг устида шу соатга кўзи тушиб қолди. Чанг босиб ётган экан. «Худо ўзи етказди» — хаёлидан ўтказди Шаҳодат опа. Қолган ишларини наридан-бери қилиб, соатни рўмолчасига тугди-да, икки кўча нарида турадиган армани соатсозникига қараб йўл олди.

Уста уйида экан.

— Келинг, опажон, — эски танишлардек кутиб олди у, — Яхши утирибсизми? — Яқинда бир туш кўрдим. Шоҳидахон икковингиз, она-бола ясаниб, атлас кўйлақлар кийиб, амиркон туфлиларни ғирчиллатиб кетаётган эмишсиз.

— Қаёққа? — беихтиёр сўради Шаҳодат опа.

— Қаёққа бўларди? Тўйга-да! Бизда бунақа туш яхшиликка, дейишади.

— Кошкийди, шундоқ бўлса, уста. Илоҳи омин, айтганингиз келсин. Бутун маҳаллага ош қилиб берардим!

— Қиласиз опажон! Қиласиз! Мен ҳам бораман. Шоҳидахоннинг тўй ошларидан ейман. Аммо опажон, сиз ҳозир тўғри қиляпсиз.

— Уста, — уни бўлди Шаҳодат опа. — Ҳайит келиб қолди. Озгина пул керак эди. Манавини сотиб беринг.

Уста унинг қўлидан рўмолчани олиб очди.

— «Полёт». Яхши соат, — деди у ва қулоғига тутди. — Юриши ҳам бинойи. Ҳозир юз сўмга олади.

— Майли, — рози бўлди Шаҳодат опа. — қанчага олса ҳам сотаверинг. Мен уни тақмасам. Соатга қарайдиган ёшдан ўтдим. Уйда бекор ётибди. Мабодо омон бўлса, янгисини олиб бераман.

— Айтганингиз келсин, опа!

Уста шундай деб, соатнинг вақтини тўғрилай бошлади ва бирдан ҳайратга тушиб тўхтаб қолди.

— Опажон!.. Бу... бу соатни қаердан олгансизлар? — сўради соатдан кўз узмай.

— Қаердан билай, уста. Соат қизимники эди. Магазиндан олгандир-да.

— Йўқ, бу соат магазинники эмас, — уста шундай деб, ўрнидан турди. — Қани, тўхтаб туринг-чи?

Уста ичкари хонага кириб кетди. Шаҳодат опа уни бетоқат бўлиб кута бошлади. Бироздан сўнг соатсоз чиқди.

— Опажон! Бу оддий соат эмас, бриллиант соат. Жуда қиммат. Манавинга қаранг. — Уста Шаҳодат опанинг қўлидан ушлаб, соат рақамларини кўрсатди. — Нуқталарни кўраяпсизми? Шу нуқталарнинг ҳаммаси бриллиант. Ўн иккита бриллиант. Ҳар бир рақамнинг устидаги нуқта бриллиант. Бунақа соат магазинда бўлмайди. Қандай тушунтирсам экан? Соат тўғри, магазинники. Аммо кейин менга ўхшаган, мендан ҳам зўр уста рақамларнинг устини тешиб, ҳаммасига бриллиант тош қуйиб чиққан. Бу соат ҳозир камида ўн минг сўм туради. Юз сўм эмас. Тушим тўғри чиқди. Сизга яхшилик келтирди тушим, опажон!

Устага ўхшаб Шаҳодат опа ҳам ҳайратга тушган, нима дейишини, нима қилишини билмас эди.

— Яхшиям менга келдингиз! — деди гурур билан уста. — Агар бошқа соатсозга борганингиздами, мендек синчиклаб қараб ўтирмасдан, юз сўм бериб сизни жўнатиб юборарди. Сиз ҳам ҳеч нарса билмай кетаверардингиз! Ё нотўғрими?

Шаҳодат опа рози бўлди.

— Энди нима қиламиз?

— Пул бўлмаса бир ташвиш, пул бўлса минг ташвиш! Ё нотўғрими? Шаҳодат опа бу гапга ҳам рози бўлиб, бошини қимирлатди.

— Лекин, опажон, соатингизни мен олиб қололмайман энди. Ун минг нақд пулим йўқ. Буни комиссия магазинга олиб бориш керак. У ердан тез олиб кетишади. Чет элга кетаётганлар шунақа қимматбаҳо нарсаларни олишяпти. Тез сотилиб кетади. Лекин, опажон, сизга маслаҳат. Ҳозир сотманг. Озгина пул керак бўлса, мен бериб турай. Бошқалардан қарз олиб турунг. Қанча керак? Икки юзми, уч юзми? Тортинманг. Биз, ахир қўшнимиз. Бир-биримизга ёрдам беришимиз керак.

Уста шундай деб, соатга яна бир ҳавас билан қаради-да, рўмолчага эҳтиётлаб ўраб, учларини тугди ва авайлаб Шаҳодат опага узатди.

Шаҳодат опа минг хил ўй билан тугунчани олди. Уни ғалати туйғулар ўраб олган, соатсоз топган янгиликдан, кутилмаганда қўлига қўнган бойликдан у хурсанд бўлишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмас эди. Нега шундай қимматбаҳо соати борлигини айтмади? Қачондан бери бор эди ўзи бу соат? Кимдан сотиб олган? Қайси пулга? Ё биров совға қилганми? Совға бўлса кимдан? Бу жумбоқлар сезгир она дилини қошлаб, хаёлини олиб қочган эди.

— Ҳа опажон, айтинг, қанча берай?

Шаҳодат опа соатсознинг гапига ниҳоят тушуниб, деди:

— Икки юз сўм бўлар...

— Мана, икки юз эллик олиб турунг.

— Қачон қайтарай?

— Бўлганида, опажон. Биз ахир қўшнилармиз.

Шаҳодат опа уйга қандай келганини билмади.

Соатни жойига қўйиб ҳовлига тушди. Кун пешинидан оған, ҳаво дим эди. Ёғоч сўри устида шотутдан тушган бир суфра энли соя лишиллаб турарди. Шаҳодат опа мадорсиз оёқларини зўрға судраб, шу ерга бориб ўтирди. «Худо, ўзинг ҳар қандай бало-

қазодан асра, қариганимда беобрў қилма!» – деди ичида у ва яна хаёлга берилиб кетди. Шу алпозда анча ўтирди. Кўчада машина ғийқиллаб тўхтамаганида ва уни бўғиқ эркак овози чақирмаганида, у жойидан қимирламай ўтираверарди. Қизи ҳақидаги янгилик унинг бугунги режаларини, умуман, бутун вужудини ағдар-тўнтар қилиб юборган эди.

— Ким? – зўрға ўрнидан туриб, овоз берди у.

— Мен, Одамбойман. Колхоздан, — жавоб қилди ҳалиги бўғиқ овоз.

Шаҳодат опа бир амаллаб турди-да, кўча эшик томон юрди.

Эшик олдида қўллари ерга тегай-тегай деб турган маймун-башара бир одам турарди. У Шаҳодат опани кўриб, жилмайди.

— Ассалом алайкум! Мани унутган бўлсангиз керак? Бир келиб кетувдим шу машинада.

— Келинг, келинг! – саломлашиб ичкарига таклиф қилди Шаҳодат опа уни танигандек бўлиб.

— Йўқ, шошиб турибмиз. Раис юбордилар. Ҳайит яқинлаб қолди, дедилар, у-бу ташлаб кел, дедилар.

Одамбой шундай деб, эпчилик билан машина бортини очди. Ёшгина шофёр йигит кузовга чиқиб, унга ёрдамлашди. Иккалови бирпасда бор нарсаларни туширишди.

— Манави ҳам сизга.

— Одамбой юклардан бўшагач, шимининг чўнтагидан қалин бир конверт чиқариб, узатди.

— Нима бу? – сўради Шаҳодат опа конвертни олар экан.

— Пул. Тешабой ака яқинда шаҳарга тушаман, шунда ўзимам кириб чиқаман, дедилар. Хўп, хайр. Саломат бўлинг, опа!

— Ҳой, тўхтанглар! Чой-пой ичиб кетинглар! – илтимос қилди Шаҳодат опа.

Аммо улар жавоб беришмади. Машина силтаниб, кўм-кўк тутун чиқарди-да, орқа ғилдираклари остидан худди депсинган отдек, чанг аралаш тош отиб, йўлга тушди.

Шаҳодат опа Одамбойни машина кетганидан кейин эслади. Шоҳидага жаноза очилганда, у келиб «Шифокор» колхозининг раиси Тешабой ака Султонов номидан анча-мунча нарса ташлаб кетган эди. Кейин Тешабой аканинг ўзи ҳам келиб кетди. Қандай ажойиб одамлар бор дунёда! Шаҳодат опа қўлларини ёзиб уларни дуо қилди.

Шоҳида колхозда ишламаган. Отасининг ҳурмати туфайли бу бағри кенг, сахий раисдан кўп яхшилик кўриб келди. Дуркентга юборилганда, институтни битиргандан кейин, йил ўтма-

ли, каттакон клубга мудир қилиб қўйишди. Шоҳиданинг айтишига қараганда, раиснинг гани билан шундай қилишганмиш. Раис билан уни эри таништириб қўйди. Эри, Пўлатжон, асли йўғонтепалик эди. Қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб, у қишлоғига кетди. Бир йилдан сўнг, Шоҳида ҳам маданият институтини битирганидан сўнг, тўй қилиб, ўзи билан олиб кетди. Лекин Йўғонтепада Шоҳидага иш йўқ эди. Район марказидаги клубга олишди. Тешабой акани Шоҳида шу клуб биносида қандайдир мажлис бўлганида кўрди. Гапдан-гап чиқиб, отасини билганини, жуда камтар, ишбилармон одам бўлганлигини айтиб, бевақт ва фожиали ўлиmidан ачинди. Ўшандан бери ўзини Шоҳидага нисбатан отасидек тутар эди. Шаҳодат опа қизидан шуни эшитган эди. Лекин ўзини ҳеч кўрмаган эди. Кўп ўтмай, Пўлатжон – куёви ҳам, қизи ҳам бу одам ҳақида гапирмай қўйишди. Бир марта қизиқиб сўраганида, у одам билан нима ишингиз бор, деб Шоҳида жеркиб берди. Шу-шу, раис ҳақида бошқа гапирмайдиган бўлиб кетишди. Шаҳодат опа бунга эътибор бермади. Бир жойда ишламаса, бунинг устига Шоҳида эрининг олдига, колхозга бормаса?! Нега у одам ҳақида ҳадеб гапиришлари керак экан? Пўлатжон колхозга қатнаб ишларди. Хотинига кичкина бўлса ҳам икки хоналик уй беришганидан кейин, у Йўғонтепадан район марказига кўчиб келган эди.

Шаҳодат опа шуларни хаёлидан ўтказиб, ошхонага борди. Раис яна анча нарса юборибди: бир қоп ун, бир қоп гуруч, уч қути помидор, олма, узум. Икки хил чиллаки. Бир қоп сабзи, пиёз. Анави қопдаги нима экан? Тагида қолиб кетибди. Картошка экан. Шунда у қулидаги конвертни эслаб, очиб қаради. Минг сўм пул. Шоҳодат опа яна дуо қилди. Мартабаси баланд бўлишини, сердавлат, серфарзанд бўлишини Худодан сўради, узоқ умр тилади. Қўлларини юзига тортар экан, соатсоз устанинг омонат пулини дарров, бугуноқ қайтиб бериш лозимлигини дилидан ўтказди.

У қизининг маъракаси яхши ўтишидан энди хотиржам эди. Олдин у фақат аёлларни чақирмоқчи эди. Энди маҳалла кексаларини пешин намоздан кейин таклиф қилишни ўйлаб қўйди. Битта ош қилдиради. Озгина шўрва тортиради...

Шу режа-ўйлардан кейин Шаҳодат опанинг руҳи бироз кўтарилди. Қизил чиллакидан бир бош олиб, водопровод тагига борди-да, муздек сувда ювиб еябошлади. Ширин, эртанги узумни

қарс-қурс қилиб чайнар экан, оғзининг бир четидан қип-қизил томчи тиззаси устига оқиб тушди. Анчагача тарқамай, тебраниб турди. Шаҳодат опа бирдан чўчиб кетди. Назариди қизил томчи ичидан қизи чиқиб келаётгандек бўлиб кетди. Қулоқлари остиди «Ойи!» деган овози ҳам эшитилгандек бўлди. Титроқ қўли билан томчини сидириб ташлади-да, ўрнидан турди. Иккинчи қўлидаги узум боши ерга тушиб, бир қанча доналар ёқут тошдек ҳар қаёққа думалаб кетди. Шаҳодат опа чўккалаб, уларни терди, узум бошини ҳам кўтарди. аммо емади, супа четига оҳиста қўйиб қўйди.

Шаҳодат опа зўрға кунни кеч қилди. Соатсозникига бориб, пулини қайтарди-да, соатли тугунчани бағрига босганича Қодиржон Алиевнинг уйига қараб юрди. Қодиржон билан маслаҳатлашиш фикри тўсатдан келди. Маҳаллада кўпчилик уни яхши гап билан тилга олади, хотини эса, Санобархон, сигири борлигида ундан сут-қатиқ олиб турарди. Улардан бирон маслаҳат чиқиб қолар. Соат бир ёқли бўлмагунча, у энди тинч яшай олмас эди. Лекин Алиевнинг уйига оёғи тортмай борди. Бир томондан, у ҳақиқатни билишни истаса, иккинчи томондан, ҳақиқат қизининг обрўйига тегиб кетишидан қўрқарди. Битта одам билди, ҳамма билди, деган гап.

Биринчи борганида, Алиевнинг болалари машинага ўтириб кетишмоқчи бўлиб туришган экан. Шу баҳона бўлиб, уйига қайтди. Лекин уйда ўтиролмади. Энди то бир нарсани аниқ билмагунча уйда ўтиролмаглигини билиб, яна кўчага чиқди. Бу гап бор кучини тўплаб, эшикни тақиллатди.

\* \* \*

— Укангиз, Қодиржон бу гапларни билишлари керак, — деди Санобар уни эшитиб бўлиб ва яна соатга қаради. — Тавба! Бундай қараганда оддий соатга ўхшайди.

— Ҳамма гап шунда-да, — Шаҳодат опа унинг гапларини тасдиқлади. — Оддий бўлиб кўринмаганда, сўрардим ўзидан. Айтмаганига қўймасдим.

Санобар бу бахтсиз аёлнинг нимадан хавотирга тушганини яхши тушунди. Шундай қимматбаҳо нарса кўчада ётмайди, биров шунчаки совға қилиб ҳам бермайди. Бунинг тагида бирон жиддий гап ётган бўлиши керак. Лекин, у тахмин эди.

— Опа, бир нарса дейишга ожизман, — деди Санобар. — Қодиржон акамга айтаман. Сиз билан учрашадилар.

— Буни ташлаб кетаман бўлмаса, — деди Шаҳодат опа соатни қайтадан рўмолчага ўрар экан.

— Йўқ, йўқ! — Санобар ўрнидан туриб кетди. — Олиб кетаверинг, бу ерда турмасин. Қўрқаман. Қодиржон ака ўзлари сизни кига борадилар. Ё бир вақтни тайин қилиб, менга айтадилар. Ушанда ўзингиз кўрсатасиз.

— Майли, — Шаҳодат опа ҳам ўрнидан турди. — Битта илтимосим бор, шуни Қодиржонга айтсангиз...

— Хўп бўлади. Нима эди? — сўради Санобар.

— Албатта, бу соат билан Қодиржоннинг ўзлари шуғулланмайдилар. У киши учун бу майда ишдир. Қандай-қандай катта ишлар бошларидан ошиб ётибди. Бировга топширадилар. Шу одам соатнинг эгаси менинг қизимлигини эътиборга олса... Мабодо бирон ёмон гап чиқиб қолса, бу гап милисанинг ўзида қолса. Одамларни биласиз-ку, ҳозир оёғи билан эмас, оғзи билан юради. Аввало, Шоҳиданинг тирик эканига умидворман. Туннов куни бир хабар эшитиб қолдим. Ёш бир жувонни ўғирлаб кетишибди. Қирқ кун деганда қўйиб юборишибди...

— Ажабмас тирик бўлса!..

— Илоҳим айтганингиз келсин, — Шаҳодат опа фотиҳа қилиб ўрнидан турди.

Санобар уни дарвозагача кузатиб борди. Дарвоза эшиги очилиши билан шундай рўпарада турган бир жигарранг «Жигули» ғийқ этиб, жойидан қўзғолди-да, катта кўчага бурилиб кетди. Санобар карахт бўлиб қолди. Шаҳодат опа ҳам ҳайрон бўлиб сўради:

— Ким бўлдийкин?

— Ким билади? Маст-пастмикан-а?

Лекин, маст одам машина ҳайдайдами? Рости, уларни кўриб, кўрқиб кетди шекилли, ўйлади ўзича Санобар. Ва дафъатан эслади. Балки телефон қилган шулардир? Машинадагилар нечта киши эди — Санобар яхши кўролмайд қолди.

— Машинада шофёрдан бошқа одам ҳам бормиди? — деб сўради у Шаҳодат опадан.

— Бор эди шекилли. Унча эътибор ҳам бермабман. Майли, бўлмаса, мен борай.

Шаҳодат опа хайрлашди.

Санобар опа дарвозани ёпди. Айвонга ўтиб соатга қаради. Саккиздан чоракта ошган экан. Болаларининг қайтишига ҳали бир соатлар бор. Яхшиям иккови бирга, машинада кетишди. Ҳозир Райҳоннинг якка ўзига жавоб бериб юборганда борми, хавотирда роса эзиларди.

\* \* \*

Алламаҳалда дарвоза шарақлаб очилди. Болалари. Фақат улар дарвозани шундай, аямасдан шарақлатиб очишади. Бир томони деворга, бир томони гаражнинг устунларига тегиб, дарвоза табақалари қарсиллаб кетади. Аммо улар ҳеч парво қилишмайди. Неча марта айтди, қулоқ солишмайди. Аммо ҳозир у дарвозанинг шундай шарақлаганидан ҳам хурсанд эди. Худога шукр, ниҳоят эсон-омон кайтишди.

Райҳон овқатланаркан, эшитиб келган маърузасини тинмай гапирарди. Аммо Санобарнинг қулоғига қани бирон гапи кирса. На фиръавнлар, на эҳромлар... Сеҳрли Хеопс... Бир оёғи синиб тушган Сфинксми-ей... ҳаммаси бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб кетди. Шаҳодат опанинг бугунги гаплари, анови машинанинг уйи олдидаги ғалати ҳаракагидан кейин Шоҳиданинг йўқолгани хаёлини эгаллаб олган эди. Қизига қаттиқ тикилиб қолганини ўзи ҳам сезмасди.

— Ҳа, опа, мунча тикилиб қолмасангиз? — деб сўради Райҳон.

Санобар яширмади, тўғриси айтиб қўяқолди:

— Сениям ўғирлаб кетишларидан қўрқаман. Шоҳидаям шундай, ярамас одамлар қўлига тушган бўлиши мумкин.

— Қайси Шоҳида?

— Танийсан. Шаҳодат опанинг қизи. Сут олиб турардик-ку. Бемаҳал юришларингни йиғиштир, болам. Энди қоронғи тушиши билан уйдан чиқмайсан. Ҳали аданг келсин, гаплашамиз. Балки, аданг бир чорасини топгунча ўқишга ҳам бормай турарсан?

— Вой, намуноча қўрқасиз?

— Нега қўрқмай? Безорилар ҳеч нарсадан тап тортишмаяпти. Одам ўлдириш осон бўлиб қолди. Ўттиз минг, қирқ мингга индамай ўлдириб кетишаётган эмиш. Мени қийнама, қизим. Аданг билан маслаҳатлашганимдан кейин, нима десам, шуни қиласан. Аканг ҳам энди уйда ўтириб туради.

Қодиржон эшик кўнғироғини босганда тунги соат бирдан ошган эди.

— Йўғонтепага кетгандик, шунинг учун кечикиб қолдик. Тинчликми? — деди у, эшик очган хотинига.

— Сизни кўриб, тинчидим, — деди Санобар.

Қодиржон кийимини алмаштириб, стол ёнига келиб ўтирди. Хотини косани тўлдириб лағмон олиб келди. У иштаҳа билан еб, бир пиёла чой ичиб, чўзилмоқчи эди, бўлмади.

— Вой, бугунги хавотир олганларим, эшитмасангиз, ёрилам, — деди Санобар.

Кейин телефондаги бегона одамнинг гапини, эшик тагида турган машинани, ниҳоят Шаҳодат опанинг илтимосини бирмабир айтиб берди. Ўзини қўрқитган одамнинг овози ёзилган магнитофон лентасини қўйиб эшиттирди.

Кўкнорифурушларнинг тинчлиги бузилибди шекилли. Алиев экспертиза яқунлари билан Йўғонтепага бориб, буни аниқ билди. Мана, энди бу кассета. Хотинининг ҳикояси... Биринчи қурбон беш болали, қирқларга борган сержант Ашурали Исмавов бўлди. Бечорани орқасидан келиб, силлиқ капрон арқон ташлаб бўғиб ўлдиришибди. Нега? Ҳали номаълум. Санобар Шаҳодат опанинг гапларини айтиб бергач, Алиев ўйланиб кетди. Балки анави участка милиционери биринчи қурбонмасдир? Шаҳодат опанинг эри Мирҳолиқ ака шу томонда, Йўғонтепа билан кичик Найманча орасида ҳалок бўлган эди. Халқ, колхозчилар йиғиштирган доривор ўсимликларни сотиб оларди у. Демак, кўкнори ҳам сотиб оларди. «Шифокор» колхозида кўп бўларди. Шоҳиданинг эри ҳам шу томондан. Шу томонда, ўз юртида у хотинидан айрилди. Шоҳида беному нишон ғойиб бўлди. Албатта, у ўлган ёки ўлдирилган. Бир кун изи чиқади. Аммо ҳозирча милиция ҳеч нима қилолмади.

— Болаларни нима қиламиз? — унинг хаёлини бўлди Санобар.

Алиев жавобга тайёр эмас эди. У кўпроқ Йўғонтепа воқеаларидан ташвишда эди. Чиндан ҳам нима қилиш керак экан? Институтга бормаи туришса, устидан кулишади, ярамаслар? Қўрқди, деб ўйлашади ва баттар авжига чиқишади.

— Кечқурун уйда бўлишсин, — деди охири. — Айтиб қўй, иложи борича ёлғиз юришмасин. Иккала институтга ҳам одам қўйдираман. Хавотир олма.

У гап тамом дегандек ўрнидан турди.

Қизиқ, ҳамма воқеалар негадир «Шифокор» колхозига бориб тақалапти. Нега бундай экан? Алиев шуларни ўйларкан, кўз олдидан колхоз раиси Тешабой Султоновнинг йўғон гавдаси ўтди. Дилида унга нисбатан қандайдир гумон пайдо бўлди, дарҳол бу фикрни ўзидан ҳайдади. Чунки... Тешабой Султоновдай жумҳуриятнинг обрўли кишиси билан ўйнашиб бўларканми?!

Шу куни Алиев ўрнига ётаркан, ҳадемай даҳшатли воқеалар гирдобада қолишини билмас эди.

### III

Одамбой раисникига нонушта пайти борди. Бу унинг ҳар кунги одати эди. Эсини таниб, унга хизмат қила бошлабдики, бу одатини канда қилмайди. Нонушта пайти борса ҳам, дастурхонга яқинлашмайди. У ўз ўрни ва кимлигини яхши билади. Ёз бўлса, шундай пастак, ўтиришга қулай қилиб ясалган жимжимадор тахта сўрининг четига ўтиради, узатилган пиёлани олдига қўйиб, хўжайинининг оғзини пойлайди. Қиш бўлса, айвоннинг ичкарига кўтариладиган зинасига чўккалайди. Одамбой аслида камгап, айниқса раиснинг олдида ҳеч маҳал ўзича гап бошламайди, саволларигагина жавоб қайтаради. Буни унга ҳеч ким ўргатгани йўқ, ички бир сезги билан шундай қилади.

Тешабой ака бир оёғини остига қайириб, иккинчи оёғини осилтириб, сўри бурчагида ўтиради. Тўрда эса Одамбойнинг тенгқури – туман милициясининг бошлиғи, капитан Азим Турсунов чордона қурган эди. Улар нонушта қилиб бўлишган шекилли, дастурхонга қарашмас, фақат чой ичишарди.

Одамбой салом бериб, сўри четига омонатгина ўтирди. Дастурхондан янги ёпилган нон, зирали тандир сомса ҳиди келиб димоғига урилди. Аммо Одамбой эътибор қилмади. Чунки озгина сабр қилса, раис кетиши билан Салтанат опа – раиснинг хотини уни овқатлантиради, раисга аталган нарсаларнинг ҳаммасидан унга ҳам тегади. Шуни билганидан, қорни оч бўлса ҳам, бепарво, ҳозиргина овқат еб олган одамдек ўзини бир оз орқага ташлаб ўтирди. Азим Турсунов чой узатди. У Одамбой билан учинчи синфни битиришгунча бирга ўқиган, ҳатто битта партада ўтирган эди. Одамбой синфда қолди, икки-уч ой ўзидан кичкина болалар билан бирга ўқиган бўлди-да, кейин мактабни таш-

лади. Отасининг ёнида мол боқди. Отаси эрта саҳарда, кечқурун раиснинг уйида молхонасини йиғиштириб чиқарди. Одамбойни ҳам олиб борди. Салтанат опа боланинг камгап, чарчоқ нималигини билмаслигини кўриб, хизматга олиб қолди. Одамбой эрталаб келиб, қоронғи тушгунча раиснинг ҳовлисида юрадиган бўлди. Отасининг вафотидан кейин эса, раиснинг хизматига бутунлай ўтиб кетди. Йигирма йил бўлди шунга, Одамбой бошқа ишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Ҳовлида иш кўп. Иккита сизир, беш-олтита қўйнинг овқати, сувидан ташқари, супир-сидир, мева-чева ишлари... Бунинг устига Салтанат опанинг меҳмон-изломи. Ҳар куни икки-уч марта дастурхон йиғилиб-ёзилар, қозон осилар эди. Одамбой шуларнинг ҳаммасига балоғардон эди. Оз фурсатда у овқат пиширишга ҳам уста бўлиб қолди. Салтанат опа меҳмон-излом келганда, ўчоқбошига фақат овқатнинг тузини кўргани борадиган бўлди. Одамбойнинг косовдек қўллари айниқса, тандир олдида ҳўб иш берарди. Тешабой ака Одамбойни меҳмонларининг хизматига ҳам олиб борадиган бўлди. У меҳмонларини уйга кам олиб келар, асосан тоғ этагида, сув бўйида қуриб қўйилган меҳмонхоналарида кутарди. Секин-секин Одамбой Салтанат опанинг ихтиёридан чиқди. Сўнгги етти-саккиз йил ичида фақат раиснинг хизматини қиладиган бўлиб қолди. Бу ҳолдан саксонга етган онаси бир оз хавотирга тушди. Салтанат опанинг хизматида бўлганида Одамбойнинг уйга қайтиши анчагина тайинли эди. Бунинг устига, деярли овқат қилмасди. Салтанат опа меҳмонлардан қолган-қутганини йиғиштириб, Одамбойнинг қўлига туғиб берарди. Раиснинг хизматига ўтгандан сўнг ўғлининг келиши-кетишида тайин қолмаган, кўпинча ўзи қозон осилига туғри келарди. Кампир унинг баъзан келмай қолишларига ҳам кўникди. Аммо нима сабабдан келмаганини билолмади. Кўз ёш қилди, ўлиб қоламан бунақада, деб қўрқитди. Одамбойга таъсир қилмади. Шундан кейин, иш ҳақида гап очмайдиган бўлиб кетди. Дилида эзилса ҳам, бедарак кетган кунлари хавотирга тушиб, мижжа қоқмай чиқса ҳам, гапирмайди, суриштирмайди. Одамбой нима деса, шу билан қаноатланди. Қалтирайдиган бўлиб қолган бошини баттар қалтиратиб, рози бўлади, қўлларини фотиҳага ёзиб, дуо қилади. Худодан ўғлига узоқ умр, тинчлик, паноҳ тилайди, ўзига эса енгил ўлим сўрайди. Одамбой шундай пайтлари тўлқинланиб, кўзига ёш олади, онасини

бағрига босиб, пешонасидан ўпади. Уйдан чиқиши билан эса ўзини улуғ ишга сафарбар қилган одамдек, кўкрагини кериб йўлга тушади. Йўл бўйи у ҳеч ким билан гаплашмайди. Ҳатто салом-алик ҳам қилмайди. Бит кўзларини олисга қадаб, йўлнинг ўртасидан бораверади. Уни билганлар ўзларини четга олишадди, болалар қочишади, бўлмаса туртиб, босиб кетиши ҳеч гап эмас. Бир-икки марта шундай бўлган. У билан тенг келадиган одам йўқ. Филдек кучи бор, қўллари омбирнинг ўзи. Бундан ташқари уни яхши билганлар, ундан четроқда юришни афзал кўришади, чунки у нимадан хафа бўлиб, нимадан хурсанд бўлишни ҳеч кимга аён эмас. Унга иккита одам бас келади: Салтанат опаю раис Тешабой ака. Ит ҳам шу икки одамга Одамбойчалик содиқлик қилмас. Одамлар ундан ўзларини четга олишларига яна битта сабаб ҳам шу. Одамбой ҳар куни эрталаб колхоз молхонасига ўтиб, ҳали соғилмаган, елинлари бўрсиллаб турган сигирларни, алоҳида катакларда боқиладиган буқаларни томоша қилади. Кейин отнинг олдига ўтиб, бўйни, бўксаларини силайди, алланарсалар деб мақтайди. Кафтида бир-икки чақмоқ қанд едиради. Одамбой бу отни туғилганидан бери билади. Олтига кирди от. Беш юз мингга савдо қилишди. Раис бермади. Одамбой боладек, тўғрироғи, маймун боласидек раис атрофида сакраб, чапак чалиб хурсанд бўлди.

От уни билади. Келганида кичкина қулоқларини диккайтириб, сарак-сарак қилиб, у билан сўрашгандек бўлади. Бўйнидан, бошидан силаганда, эгилиб, қимир этмай туради.

Одамбой отнинг олдида яйрайди, кетгиси келмайди. Лекин ишлари кўплигини, раис кутаётганини билади. Шунинг учун ўн-ўн беш дақиқадан кейин молхонадан чиқади. Яна бошини эгиб, қўлларини олисга қадаганича йўлга тушади. Молхонага келадиганлар уни кўриб ўзларини четга олишади. Баъзи аёллар кўрққанларидан бўшашиб, турган жойларида қотиб қоладилар. Одамбой буни сезади. Салом берибми, илжайибми, уларни тинчитиш ўрнига, баттар қовоқларини осади. Нималардир деб мингиллаб қўяди. Бу билан бечораларни баттар кўрқитади ва ичидан завқланади, қадам босганда бутун қиёфасида қандайдир ғурур пайдо бўлади. Шундай ғурур, баланд руҳ билан раисникига кириб боради.

Аммо унинг бугунги молхонага бориши кайфиятини кўтармади, аксинча, бузди. Молхона ҳовлисида икки йил бурун Таллиндан олиб келинган, камида бир ярим тонна келадиган

наспидор олабуқа занжирни судраб юрарди. Буқабоқар Толиб полвон худди товук тутаётган одамдек қўлларини ёзиб, оёқ учида битта-битта қадам қўйиб, унга яқинлашмоқчи бўлар, аммо занжирга етай деганида, буқа бир силтаниб, нарига қочарди. «Ма, ма, жонивор! Тўхта!» – деб Толиб полвон оёқ учида яна орқасидан борарди. Одамбойнинг унга раҳми келди. Бечора анчадан бери овора шекилли, терлаб сув бўлиб кетган.

Толиб полвон ҳам уни кўрди. Лекин унга қарамай қичқирди.

— Дарвозани ёп, Одамбой! Чиқиб кет! Кўрса соғ қўймайди!

Одамбой дарвозани ёпди, аммо кетмади. Худди Толиб полвондек қўлларини ёзиб, буқа томон юрди. Буқа уни кўрди. У томонга қайрилиб, бирпас сўлагини оқизиб қараб турди. Кейин бошини сарак-сарак қилиб. Одамбой қаршисига юра бошлади.

— Айтдим-ку сенга?! – ўшқирди Толиб полвон. – Қоч! Ҳали ҳам кеч эмас, қоч!

Одамбой қулоқ солмади. Қайтанга қўлларини силкитиб, буқанинг аччиғини чиқара бошлади. Ундан кўзларини узмай юриб келаётган буқа чиндан ҳам ғазабланди шекилли, депсиниб чо-пишга тушди.

Буқанинг феълени яхши билган Толиб полвон қўрқиб кетди. Шохига илинтирса бўлди, ҳеч ким соғ қолмайди.

— Даюс! Кимга айтяпман! Қоч!

Шу пайт кутилмаган воқеа юз берди. Одамбойга етиб сузиш ниятида бошини эгган буқа гурс этиб ёнига йиқиди ва пишиллаб, ернинг чангини кўтариб юборди. Толиб полвон нима бўлганини тушунмади. Кўркув аралаш қандайдир умид билан буқа томонга қараганда, унинг шохларини ерга тираб ўтирган Одамбойни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Тирикмисан?

— Тортинг занжирни! – қичқирди Одамбой

Занжирни шалдираганини эшитгандан сўнг, бир сакраб ўзини четга отди. Ҳансираб ётган буқа гандираклаб, зўрға ўрнидан турди.

— Нима қилдинг? – ҳайрат ичида сўради Толиб полвон.

— Қитиғига тегдим, — деди илжайиб Одамбой. — Шохларининг тагида қитиғи бор. Шунга тегилса бўлди, ҳар қандай зўр буқа ҳам йиқилаверади. Дадам ўргатган эдилар.

Толиб полвоннинг ишонмай иложи йўқ эди. Буқа яшин ургандек зарб билан йиқилган эди.

— Менгаям кўрсатиб қўй.

Одамбой яна илжайди. Буқани қулатган унинг забардаст қўллари эди. Буқа бошини эгган пайт у иккала шохини ушлаб, бор кучи билан қайирган, оғриққа чидолмаган буқа сибошига ағдарилган эди. Толиб полвонни у алдамади. Қорамолни шундай йиқитиш йўлини раҳматли отаси ўргатган эди.

Улар буқани жойига боғлашди. Бечора, охурга тумшуғини қўйиб, мадорсиз ҳансиради.

Одамбой тўриқнинг олдига борди. От негадир безовта эди. Кўзлари бежо, бадани титрарди. Одамбойни кўриб, у депсинди. Бўйнидан тасмани тортиб, узмоқчи бўлди, кучи етмай кишнаб юборди.

— Ҳа, жонивор! Қўрқиб кетдингми? — Одамбой уни бўйни, бошини одати бўйича силай бошлади. От тинчлангандек бўлди. Одамбой қўли негадир нам бўлганини сизди. Ҳайрон бўлиб қаради. Қўли қон эди.

— Полвон ака! — қўрқиб чақирди Одамбой. — Тўриққа бир бало бўлганга ўхшайди. Тез келинг.

Толиб полвон дарров келди. Одамбой унга қонли қўлини кўрсатди.

— Нима бўлдикин? — ҳайрон бўлди полвон ва отни ҳар томондан айланиб кўра бошлади ва бирдан сўкиниб юборди. — Даюс! Отни сузибди! Қара!

У тўриқнинг чап сонини кўрсатди. Тахминан бир қаричча жойи тилиниб кетган эди. Одамбой отнинг нега титраётганини энди билди. Қақшаб оғриётган бўлса керак.

— Алиқул қани? — сўради Одамбой.

— Ҳали келгани йўқ. Дуркентга тўйга кетган эди кеча, — ранги оқариб жавоб қилди Толиб полвон. Буқа занжирини узиб юборгани ҳеч гап эмас. Отнинг чақа бўлгани хавфли эди. Тешабой ака уни кўз қорачиғидек асрайди. Алоҳида отбоқар ажратиб қўйган.

— Дўхтирни чақиртиринг.

Одамбой шундай деб, отни бир-икки бўйнига қоқди-да, ташқарига чиқди. Молхонада бугун у катта тўполон бўлишини биларди. Аввало ферма мудирини, Тоживой эшитадиганини эшитади. Кейин Полвон, кейин Алиқул. Бечора от... Уни алоҳида жойда боқиш керак. Шу фикрни раисга айтишни у дилига тугиб қўйди.

— Бўлмаса, менга рухсат, — деди Азим Турсунов раисга тикилиб.

— Кетасизми? — шунчаки сўради Тешабой ака.

— Ҳа, энди бормасам бўлмайди, — Турсунов ўзича фотиҳа қилиб ўрнидан турди.

— Ўтирибсиз-да.

Учоқбоши томондан Салтанат опанинг овози эшитилди. Кўп ўтмай, ўзи бир сават янги узилган сомса кўтариб, сўри ёнида пайдо бўлди. Тандир олдида турганидан юзлари қип-қизил лолдек бўлиб кетган эди.

— Тайёр сомсани ташлаб кетасизми? Буниси бошқача!

Салтанат опа Одамбойга кўз қирини ташлади. Шу заҳотиёқ Одамбой эпчиллик билан югуриб унинг олдига борди-да, қулидан саватни олди. Қип-қизил ялтиллаб турган иссиқ сомсаларнинг ҳиди димоғини қитиқлади.

— Келинойингизнинг қули қайтмасин, олинг, — деди раис.

— Хўп бўлади!

Турсунов саватдан битта сомсани олиб оғзига олиб борди?

— Бай-бай-бай! Опа, буни оловда ёлганмисиз?!

— Тағин писта кўмирда, — мақтаб қўйди сомсани Салтанат опа.

Турсунов жойига ўтирди. Одамбой саватни сўрига қўйиб, бўш ликопча олаётган эди, раис тўхтатди:

— Мен бўлдим. Ўзинг ол.

Одамбой индамай жойига ўтирди. Салтанат опанинг учоқбоши томонга кетганини ҳеч ким кўрмай қолди. У эри олдида бошқа эркаклар билан узоқ гаплашишни одобдан эмас, деб биларди, аммо эрининг одамларини, таниш-билишларини ниҳоятда хушмуомалалик ва ҳозиргидек, очиқкўнгиллик, эътибор билан кутиб оларди. Тешабой ака шунинг учун ҳам уни фақат бешта боласининг онаси сифатида эмас, ҳақиқий, кўпни кўрган, гаплари, ҳаракатларида эрига бўлган чексиз ҳурмати кўриниб турадиган ёстиқдош сифатида қадрларди. Буни Салтанат опа ҳам билади. Унга шу етарли. Эрининг эгри юришлари ҳақидаги мишмишлар ростлигига ишонса ҳам парво қилмайди. Болаларини, хотин сифатида уни бир тийинга зор қилмай, эркин қўйибдими, шунинг ўзи унга кифоя.

Турсунов кетишга чоғланди. Ўрнидан туриб, у билан хайрлашар экан, Тешабой ака илтимос қилди:

— Шу ҳафта ичи бир олиб келинг. Тепабоққа чиқамиз. Сизлар баҳона, мен ҳам бироз ёзилиб келаман.

Одамбой ким ҳақида гап бораётганини сезди, аммо билдирмади.

Турсунов нега келганини у биларди. Ашурали мелисанинг ўлими буларнинг ҳаммасини кўрқитиб юборди. Тошкентданки келиб кетишдими, текширув қаттиқ бўлади. Лекин қотилни топишолмайди. Ундан ҳеч қандай из қолмаган. Марҳумнинг бўйнидаги ипак арқоннинг ўрнидан бўлак ҳеч нарса ҳеч кимга маълум эмас.

Тешабой ака жойига ўтириб, бўш пиёласини узатди. Одамбой дик этиб ўрнидан турди-да, ҳозиргина Турсуновнинг олдида турган чойнакни олиб, жойига қайтди ва чой қуйиб, раисга узатди. Тешабой ака хуриллатиб бир хўплади-да, хонтахта устига қўйди.

— Бугун қоронғи тушганда Турсуновникига бориб келасан. Нима олиб боришингни айтиб қўяман. Ўғлини кестирармиш.

— Хўп.

Одамбой қўлини кўксига қуйиб, бошини эгди.

Раис яна пиёлани қўлига олди.

— Тешабойни тайёрлаб қўй. Тушликни ўша ерда қиламиз. Тўрт киши бўлади. Овқат – ўзинг билганинг. Бўлади шу. Холодилникларни қараб қўй. Кечқурун ҳам ўша ерда бўласан. Қўйликдагилар келишади. Нима қилишни тушликда айтаман. Қалай бориб келдинг?

Одамбой бошини кўтарди:

— Яхши. Бечоранинг боши осмонга етди. Ишқилиб кам бўлманг, ота. Тешабой ака мошкичири мўйловини силаб қўйди:

— Камбағалга бир берсанг, минг бўлиб қайтади. Йўғонтепадаги мактабнинг қоровули бор-ку, Салим ота деган, биласанми?

Одамбой ўйланиб қолди.

— Тентак, — койиган бўлди уни Тешабой ака. — Ўқигансан-ку шу мактабда, нега билмайсан? Сенлар ўқиганингда у илмий мудир эди. Энди қоровул.

— Эсладим, ота. Эсладим! Жўғропиядан дарс берарди.

— Баракалла. Ана ўшаникига ҳам эрта-индин бориб кел. Эсимдан чиқса, эслат. Қоровул пули билан пенсия нима бўларди бу даврда?!

— Хўп, ота. Эртагаёқ эсингизга соламан.

— Бугун ўзимизда байрам. Идорада мактабни битирганларни қабул қиламан. Тешабой ака ўрнидан турди.

— Ота, — уни тўхтатди Одамбой.

— Нима гап? – ҳайрон бўлди Тешабой ака, жойига ўтирар экан. – Уйинг тинчми? Кампир саломатми?

— Раҳмат, ота. Аммо... Молхонада... молхонада ёмон иш бўпти...

— Нима бўпти? – қошлари чимрилиб сўради Тешабой ака.

— Олабуқа узилиб кетиб, тўриғингизни сузиб юборибди, — бир зарб билан гапириб олди Одамбой, кейин, нафасини ростлаб, қўшди. — Хавфли эмас унча. Сони... чап сони бир қаричча тилинган...

— Ярамаслар! – сўкинди Тешабой ака. – Телпонни опке!

Одамбой югуриб бориб, равоннинг панжараси устида турган кўчма телефонни олиб келди, трубкасини олиб, раисга узатди.

— Буқа нима қилиб узибди занжирни? – сўради раис Одамбойдан, гўшакни олиб қулоғига тутаркан.

— Билмасам? Зерикиб узгандир-да? – тахмин билан жавоб қилди Одамбой. – Борсам, ҳовлида юрган экан. Толиб полвон иккаламиз бир амаллаб тутдик.

— Ҳа, сенмисан? – трубкага гапирди Тешабой ака. – Ферма мудирди Тожибойни ёрнинг тагидан бўлса ҳам топ. Аввал ферманинг ўзига телефон қил. Отанг қалай? Дориларни ичаяптими? Мендан салом айт. Бирров бўлсаям бугун-эрта кириб чиқаман. Бир гап бўлса, дарров менга айт. Бўлди, кутаман. У гўшакни қўйиб, Одамбойга қаради.

— Толиб ғафлаг босиб ётгандир-да, хотинининг қучоғида?! Фермада у фақат буқага қарайди... Шунга пул олади. Узмайди-ган занжир топса бўлмайдами? Ўшаниям раис топиб бериши керакми? Алиқул нега ишдамас?

— Билмадим, ота. Балки бетобдир, — ростини айтгиси келмади Одамбойнинг. Барибир билиб олади. Одамбой отанинг содиқ хизматкори, ҳамма сирли ишларини биледи, еттита қулф билан қулфлаб юради, соясига салом беради, лекин чақимчилик қилмайди. У эркак. Хотинчалишлик, ҳезалаклик қилмайди.

— Уям туриқдан бошқа отга қарамайди. Шунга пул олади. Даюс. Нас. Ўшанинг сонини тилиш керак!

Телефон жиринглади.

— Сен ўзи нима қилиб юрибсан? – дўқ қилди раис. – Мудир деган ҳаммадан олдин молхонага бориб, хабар олмайдами! Жонингга тегдими мудирлик? Унда майли, бўшатиб қўй. Аҳмоқ! Мабодо ўлиб қолса, ярим миллионни ўзинг ёнингдан тўлайсан. Мен ўйинчоққа олиб келиб қўйибманми уни? Алиқул қаёқда? Марказда? Тўйда? Ҳароми! Юз қамчи, эшитдингми? Ўзинг қамчилайсан. Қараб тураман. Бўлди. У нас босгани иштонини ечиб урасан. Олабуқанинг баҳридан ўтдим. Тамом. Бугуноқ бичтириб, қирга жўнат.

Раис гўшакни қўйди.

— Туриқнинг сонини тикибди. Чандиқ бўлиб қолади шу жойи. Ҳей! Тушунасанми, нима бўлганини? Ярим баравар тушиб кетди энди баҳоси! Унга доғ ҳам тушмаслиги, гард ҳам юқмаслиги керак эди!..

Одамбой бу мулоҳазаларни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Раис ҳамма нарсани пулга чақиб иш тутади. Шунинг учун ҳам колхоз аҳолиси чорак асрдан бери уни алмаштирмайди, янаши ҳам бошқаларга нисбатан яхши. Нон, сут, қатиқ, мева, сабзавот етарли, магазинга фақат кийим-кечак, темир-терсак учун боради. Қолган ҳамма нарса уйдан чиқади. Секин-аста, катталарга билдирмай ҳаммани ерли қилиб қўйган. Учала қишлоқда томорқасиз одам йўқ. Республика ҳукуматининг ҳаммага томорқа бериш ҳақидаги қарори чиққанда, Тешабой ака Йўғонтепадаги клубда мажлис қилди. «Қани, кимга томорқа керак? Томорқасиз оила борми биззи хўжаликда?» деб сўради. Қарсак бўлиб кетди. Одамбойнинг билишича, камбағалга қайишадиган, ҳаммага – катта-кичikka ҳам, бой ва йўқсилга ҳам барабар қарайдиган иккита одам ўтган бу дунёда. Биттаси Ҳорун ар-Рашид, халифа. Иккинчиси Ҳотамтой, сайёҳ. Онаси Рухсорбиби, унга китоблардан ўқиб берган шу одамларни. Ўшалардан кейин ҳозирги Ҳотамтой, Ҳорун ар-Рашид — Тешабой Султонов, Ота. Одамбой шундай ҳисоблайди. Унинг гапига колхозда қўшилмайдиган одам йўқ. Бори ҳам ўз фикрини айтгани ундан чўчийди. Раис бунақа одамларни хуш кўрмайди. Юзига солмайди, мажлисларда танқид қилмайди. Аммо ҳар томонлама шу одам учун ҳаёт жаҳаннамнинг ўзи бўлади-қўяди, қишлоқдан, бугун Дуркентдан бош олиб кетади.

Одамбой бугун ҳеч кимга ачинмаса ҳам Толиб полвонга, кейин отга ачинди. От-ку тузалиб кетади. Жиндек чақа бўлиб қолса сони, нима бўпти? Қайтанга сотилиб кетмайди. Колхозда қолади. «Толиб полвонга қийин бўлади. Олтитами, еттита бола-си бор, кичкинаси ҳали бешикда. Унга ҳам ота жазо кўрадиган бўлса, бечорага қийин. Бирон жойда ишлолмайди. Отанинг ўзи жойлаб қўймаса, ҳеч ким ишга олмайди. Олса, ота билан тўқнаш келади. Жазоланган одамнинг куни унинг бошига тушади. Лаънати, қандай қилиб узди экан занжирни? – ҳеч ақли етмай ўйлади хуноб бўлиб Одамбой. – Узилмаганда шу ташвишлар йўқ эди. Бичишса, Толиб полвон беиш қолади. Фермада унга бошқа иш йўқ. Далага чиқармикан?»

Раисга «Толиб полвонда айб йўқ», деган гапни айтишни дилдан ўтказди. Лекин, айтгани кўрқди. Жаҳл устида турган одам, баттар жаҳли чиқиб кетиши мумкин.

Раис унинг хаёлини уқди шекилли, сўради.

— Толиб нечага кирди?

Одамбой кутилмаган саволдан бир чўчиб тушди.

— Билмадим. Қирқдан ошгандир.

— Билмас экансан, — энсаси қотди раиснинг.

— Отаси қазо қилганда ўттизда эди. Шунга қанча? Етти йил бўлди. Ўттиз еттида ҳозир. Айни кучга тулган, эркак бўлган пайти. Шундоқми?

— Шундоқ, ота! – тасдиқлади Одамбой унинг нима демоқчи бўлганини тушунмай.

— Оғзи қалай, оғзи? Мўмми ё карнай-сурнайми?

— Ота, уям менга ўхшаган, — илжайди Одамбой раиснинг чеҳраси бироз ёришганини кўриб. – Оғзида еттита қулф бор.

— Ёнингга ол бўлмасам уни.

Одамбой севиниб кетди.

— Раҳмат, ота. Боши осмонга етади бечоранинг.

— Фақат тушунтириб қўй. Йўқ, деган гап йўқ.

— Тушунтираман.

— Нима дейсан? Милисани изи чиқмайдими?

— Ҳаммаёқ гум. Из йўқ. Хотиржам бўлаверинг.

Салтанат опа келиб бир чеккада турганини иккови ҳам сезмай қолишди. Албатта уларнинг ҳозирги гапларини эшитган бўлиши керак.

— Ҳа, дуруст. Бўлмаса чой-пой ичгин-да, бояги ишларни қил.

Тешабой ака ўрнидан турди. Эшик томон юраркан, Одамбой уни йўлаккача кузатиб борди.

— Гуручни борганингизда соламан-да?

— Ҳа, — катта бошини қимирлатди Тешабой ака ва қолавер, дегандек қўлини силкиди.

Одамбой раисникида яйрайди. Раис ҳам, хотини Салтанат опа ҳам унга ўз яқинларидек қарашади. Уларнинг бу муносабати болаларга ҳам ўтди. Улардан ҳам Одамбой ҳеч маҳал оғир гап эшитгани йўқ. Болаларнинг тўнғичи Мардон Москвага ўқишга кетиб, ўша ерда қолди. Катта бир илмий идорада ишлайди. Ҳар кузда бола-чақалари билан келиб, ўн-ўн беш кун туриб кетади. Хотини Майдонтоллик қишлоқи бир қиз эди. Раис уни ўғлига олиб бериб, Москвага жўнатди. Энди таниб бўлмайди. Аввало кап-катта хотин бўлиб кетган. Лабларини, юз-кўзларини бўяйди, оҳори тўкилган, тиззалари, сонлари ямоқ шим кияди. Аммо қайнотасининг соясига салом беради. Унинг олдида рўмол ўраб, узун иштон кияди. Раис унинг қандай кийинишини билса ҳам ўзини билмаганга солади. Иккита туққан. Иккала боласи ҳам